

**Рухиддин АКБАРОВ**  
**Неъматулло ШАМСИДДИНОВ**

**ЕТТИ ТУҒ ОТА**  
**шажараси**

«Тошкент ислом университети»  
нашриёт-матбаа бирлашмаси  
Тошкент – 2015

УЎК: 291.37  
85.11(5Ў)  
С21

*Юртимизда азиз авлиё ва табаррук зотларнинг  
ибратли ҳаётини ўрганишга кейинги йилларда кенг  
эътибор қаратилмоқда. Масқур рисолада ҳам улуг  
кишилар шажараси ва унинг вужудга келиши ҳақида  
сўз боради ва ўқувчиларга манзур бўлади, деган  
умиддамиз.*

**Тақризчилар:**

**Н.Шодмонов,**

филология фанлари доктори,  
профессор

**О.Бўриев,**

«Турон» фанлар академияси  
академиги

ISBN 978-9943-0000-0-0

© “Тошкент ислом университети”  
нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2015

## Сўз боши

Аллоҳ таолога шукрки, мустақиллик туфайли ўз аجدодларимиз насл-насабидан маълумот берувчи шажараларни ўрганиш, улардан ўзимиз учун керакли хулосалар чиқариш имкони пайдо бўлди. Шажаралар насл-насабни кўрсатувчи ойнадир. Ўз шажарасини билиш ва ўрганиш орқали ўз насл-насабимиз ҳақида керакли маълумотларга эга бўламиз. Президентимиз Ислом Каримов «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» асарида: «Одамзод борки, авлод-аждодини кимлигини, насл-насаби ва туғилиб вояга етган қишлоқ, шаҳар, хулласки, Ватаннинг тарихини билишни истайди», – дейди. Бу бежиз айтилмаган.

Дарҳақиқат, ҳар бир инсон ўз аجدодлари насл-насабини танишни ва билишни хоҳлайди. Чунки уни ўз аجدодлари кимлар бўлгани қизиқтиради. Қашқадарё вилоят маркази Қарши шаҳридан 15 км жанубий-ғарбда Патрон қишлоғи жойлашган. Бу қишлоқда қадимий мақбара бўлиб, уни «Етти туғ ота мақбараси» дейилади. Шунини таъкидлаш жоизки, Мақбарада дафн этилган Етти туғ ота ва унинг насл-насаблари ҳақидаги шажара мавжуд. Мана шу шажара Етти туғ ота мақбарасидаги аجدодларнинг кимлиги, уларнинг эзгу ишлари ҳақида бизга маълумотлар беради.

Маълумки, қадимда эл орасида таниқли кишиларни уч ном билан аташ одати бор. Кишиларнинг бу тарзда аталиш номларидан бири ўз исмлари бўлса, иккинчиси уларнинг куния (мавке) лари ва учинчиси лақабларидан иборат. Алишер Навоий Одам Атога таъриф бериб: «Одам салаватуллоҳ алайҳи хилқати Одамнинг куниятлари Абул-башар (Башарнинг отаси, падари)

дур ва лақаби Сафиюллодур», деб ёзади. Шу жиҳатдан қарасак, шажара Етти туғ отанинг асл исмлари Мир Саййид Фатхуллоҳ, куниялари Абу-Исҳоқ (Исҳоқнинг отаси, падари), эл орасида у зот ва фарзандларига нисбатан «Етти туғ ота» деган лақаб қўйилганини баён қилади. Етти туғ ота ҳақидаги шажара ҳозирги кунда кишлоқда сақланиб келинади. Бугунги кунда ўтган аждодларимизнинг насл-насабидан маълумот берувчи шажарани ўрганиб, уни кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола этишга эҳтиёж пайдо бўлмоқда. Шу сабабли «Етти туғ ота шажараси» ни китоб ҳолида нашр қилишни ният қилдик.

Маълумки, етти отани билиш анъанаси шажара сифатида ислом дини кириб келиши билан катта аҳамият касб қила бошлади. Пайғамбаримизга нозил бўлган динни ёйиш учун пайғамбаримиз хонадонларига тегишли кишилар турли мамлакатларга сафар қилдилар. Улар томонидан пайғамбаримизга қариндошлик билан боғланишларини кўрсатувчи шажаралар тузилди. Ана шундай шажаралардан бири Етти туғ ота шажарасидир. Етти Туғ ота шажараси орқали ёшларни миллий кадриятларимиз бўлган қадимий шажара билан таништириш, уларга аждодлари кимлиги ва олиб борган эзгу ишлари ҳақида маълумот беришдир. Ушбу хайрли ишда бизга ёрдам берган барча кишиларга миннатдорлик билдирамыз.

### **Насл насаб акс этган ойна**

Миллатимизнинг эътиборга молик бўлган кадриятларидан бири аждод ва авлодлар сулоласини ўзида акс эттирган шажаралардир.

Қадимдан халқимиз орасида ўзидан олдин ўтган етти пуштни суриштириш ва уни билишга қизиқиш мавжуд. Шу туфайли ота-боболаримиз ўзининг ота томонидан

етти пуштлири кимлар бўлганини фарзандларига айтиб, уларни ҳам етти пуштлирини билишга ундаганлар. Шарафиддин Али Яздий «Зафарнома»да, Мирзо Улуғбекнинг «Тўрт улус тарихи» асарида Амир Темур бобомиз ота-боболарининг пуштлирини ёзиб қолдирганлар. Ана шу етти уруғни билиш анъанаси инсонларнинг насл-насабини ўзида акс эттирган шажараларнинг юзага келишига сабабчи бўлди, десак адашмаган бўламиз. «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да: «Шажара-арабча, дарахт, дарахт шаклида тузилган схема. Маълум бир уруғ авлодларининг келиб чиқиши ва ўзаро қариндошлик даражасини изчиллик билан кўрсатувчи рўйхат, тарих, силсила», дейилади. Шажаралар орқали кишиларнинг келиб чиқишлари ва қон-қариндошлик алоқалари билиб олинади.

Қадим замонлардан халқ орасида пайғамбарлар, саҳобалар, авлиёлар, ҳукмдорлар насл-насабига қизиқиш мавжуд бўлиб, бу қизиқиш насл-насаб битикларини тузишга олиб келди. Шажаралар насл-насаб дафтаридир. Бу дафтарга дастлаб саййидлар, хўжалар эга бўлиб, улар жамият кишилари орасида алоҳида имтиёзларга эга бўлишган. Бу ҳақда «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»да: «Ўрта Осиёда насаб дафтарига саидлар, хўжалар эга бўлиб, бу ҳужжатлар уларнинг пайғамбар, саҳобалар, тархон, беклар наслидан келиб чиққанини кўрсатувчи далил сифатида, шунингдек, солиқ тўлаш, халқ ҳашарлари ва бошқа ишларда алоҳида имтиёзга, умуман жамият ҳаётида юқори мавқега эга бўлиш учун хизмат қилган». Жамиятда катта мавқега эга бўлган кишилар ўз шажараларини тузишган. Улар тузган шажаралар ўша замон ҳукмдорлари томонидан муҳр босиб тасдиқланган.

Айрим инсонлар томонидан ўз насл-насаблари ҳақида маълумотни келгуси авлодларга етказиш учун шажа-

ралар тузилган ва шажараларни узоқ йилларга етиб бориши ҳисобга олинган. Бунинг учун шажара қоғози ва унда ёзилган хат пишиқ ва чидамли бўлиши лозим эди. Шу сабабли шажаралар узоқ вақтлар сақланадиган қоғоз ва рангларда битилган. Қадимда хат ёзиладиган қоғозлар ҳар хил бўлган. Улардан бирининг номи «Ипак қоғози»дир. Мана шу «Ипак қоғоз»ларида шажаралар тузилди. Ана шу қоғоз тури шажараларнинг кўп йиллар давомида сақланиши учун замин яратди.

Шажара кишилар орасида никоҳга кирувчиларнинг насл-насаб жиҳатидан тенглигига гувоҳлик берадиган ҳужжат ҳам ҳисобланган. Шажаралар одамларнинг бир-бирлари билан қуда-анда, ўғил уйлантириш ва кизни турмушга чиқаришда муҳим аҳамият касб этган. Шажаралар аждодлар қолдирган мерос бўлиб, у ўтмишдаги кишилар, воқеалар ва жойлар умуман олганда, тарих учун қимматли маълумотларни беради.

Шажаралар пайғамбар авлодлари, авлиёлар, ҳукмдорларнинг аждод-авлодлари силсиласини аниқ баён қилиш учун ҳам яратилди. Ана шундай шажаралар ўша авлод вакиллари қўлида сақланиб келинди. Шажаралар нафақат бир инсон ёки оила, балки бир бутун халқнинг тарихий манбаи сифатида хизмат қилади. Шажаралар фақат исм-шарифлардан иборат бўлиб қолмасдан, унда географик жойлар ва тарихий воқеалар ҳақида маълумотлар учрайди. Миллий кадрият ҳисобланган шажараларни ўрганар эканмиз, биринчидан ўтмиш тарихимиз билан танишсак, иккинчидан ўзимиз учун келгуси ишларимизга муайян сабоқларни қўлга киритган бўламиз.

## **Етти туғ ота шажараси**

*(Шажаранинг ўзбек тилидаги таржимаси)*

Бисмиллаҳир раҳманир раҳим. Робби яссир алайна ва ла туассир алайна ва тамим билхойри ва биҳи настаѐин. (Раббимиз бизга (ушбу ишни) осон қил, қийин қилма, охирини хайрли қил, ўзингдан мадад сўраймиз.) Саййидлар шажараси томирини ерда собит, шохларини само бағрида, нуруни саййидлар пешонасида ҳавода чакнаган яшин каби зоҳир қилган Аллоҳ таолога ҳамдлар бўлсин. Салот ва саломлар расуллар ва набийлар саййиди, сўфийлар муқтадоси ва жазо куни гуноҳкорлар шафоатчиси пайғамбаримизга ва у кишининг иқтидо ва ҳидоят учун юлдуздек порлаб турган саҳобаларига бўлсин. Аммо баъд.

Билсинларки, Аллоҳ таоло ҳамма махлуқотдан олдин пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) нурларини яратган эди. Муҳаммад мустафо саллоллоҳу алайҳи васаллам қама қола: «Аввала ма холақаллоҳ нурий». Таржимаси: «Аллоҳ таоло энг аввало менинг нурумни яратди». Ва яна осмонда хутбаи нубуват (пайғамбарлик хутбаси) пайғамбар алайҳиссалом номларида эди.

Қола расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам: «Қунту набийан байнал-маи ват-тийни». Таржимаси: «Сув ва тупроқ бўлган ҳолатимда ҳам пайғамбар эдим». Ва яна қиёмат куни тупроқдан биринчи бош кўтарувчи ҳам пайғамбар алайҳиссаломдурлар. Қама қола: «Ана аввалу йаншаку аниларзи йавмал қиёмати». Таржимаси: «Қиёмат куни энг аввал (тирилиб) ердан бош кўтарувчи менман».

Ва яна қиёмат куни шофиъ, гуноҳкорларни шафоат қилувчи пайғамбар алайҳиссаломдурлар. Қама қола Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам: «Ана аввалу шофиъ ва мушфеъ». Таржимаси: «Энг аввал шафоат қилинувчи ва қилувчи менман».

Ва яна жаннатнинг эшиги энг аввал пайғамбаримиз (с.а.в.) га очилади. Кама қола: «Ана аввалу ман йафтаҳу лаху бобулжаннати». Таржимаси: «Энг аввал жаннат эшиги очилувчи киши менман».

Ва яна парвардигор жамолини аввал кўрадиган киши ҳам пайғамбар алайҳиссаломдурлар ва яна жумла рўйи заминда хотимун-анбиё пайғамбар алайҳиссаломдурлар. Кама қола расулуллоҳ саллоллоху алайҳи васаллам: «хатмун биннубуват». Таржимаси: «Набийлик хотима топди».

Ва яна кишики сарвари коинот ва хулосаи мавжудот бўлган пайғамбаримиз (с.а.в.) ва у зотнинг аҳли оилаларига маърифат ва муҳаббат ҳосил қилган бўлса, бу асли имон нишонасидур. Муҳаммад (с.а.в.) оилаларига муҳаббат дўзахдан нажот топиш ва сиротда йўлнинг кенг бўлиши, азобдан омонда бўлиш аломатидир.

Расулуллоҳ (с.а.в.) айтадилар: «Кимки Муҳаммад (с.а.в.) оилаларига муҳаббат билан вафот этса, шаҳид ҳолда ўлган каби ва яна кимки Муҳаммад (с.а.в.) оиларига муҳаббат билан қазо қилса, гуноҳларига мағфират топган каби ва яна кимки Муҳаммад (с.а.в.) оиларига муҳаббат билан вафот этса, унга ўлим фариштаси Мункар-Накир жаннат хабарини беради ва яна кимки Муҳаммад (с.а.в.) оилаларига муҳаббатли бўлса, у гўё келин куёв уйига киргандек жаннатга киради ва яна кимки Муҳаммад (с.а.в.) оилаларига муҳаббат билан вафот этса, унинг қабрини раҳмат фаришталари кенг қилади ва яна кимки Муҳаммад (с.а.в.) оилаларига муҳаббат билан вафот этибди аҳли сунна вал-жамоатда вафот этган ва аммо кимки Муҳаммад (с.а.в.) оилаларига буғзу-адоватда вафот этса, икки кўзи орасида Аллоҳнинг раҳматидан бенасиб деб ёзилган бўлади ва жаннатнинг ҳидини ҳам ҳидламайди ва кофир ҳолда ўлган бўлади». Аммо баъд. Расулуллоҳ (с.а.в.) айтадилар: «Ўзга кишининг насабномасига кирмоқчи

бўлган кишини Аллоҳ лаънатласин ва билсинларки, шариати Муҳаммадияга кўра пайғамбар (с.а.в.)нинг аҳли- оилалари садақа олиш ҳаромдур.

### **Муҳаммад (с.а.в.)нинг аждодлари баёнида**

Саййидул-мурсалийн ва шафиъул-музнабийн ва ҳабибуллоҳил-оламийн пайғамбар (с.а.в.) або (ота) ва аждодларини то ҳазрати Одам (а.с.) гача бўлган баёни:

Муҳаммад ибни Абдуллоҳ бинни Абдулмуталлиб бинни Ҳошим бинни Абдулманноф бинни Қусай бинни Килоб бинни Мура бинни Кааб бинни Луйа бинни Ғолиб бинни Қаҳр бинни Молик бинни Назар бинни Куния бинни Хазима бинни Мудрик бинни Илёс бинни Мизр бинни Низор бинни Маъад бинни Аднон бинни Адда бинни Адув бинни Ҳамиъ бинни Наайт бинни Ҳамал бинни Қайзр бинни Исмоил бинни Иброҳим бинни Озар бинни Нохур бинни Иъвин бинни Ишраҳ бинни Қонеъ бинни Шолиҳ бинни Омар бинни Арқахаш бинни Шом бинни Нух бинни Молик бинни Манушлиҳ бинни Ихнух бинни Бард бин Меҳлойфил бинни Қайнон бинни Алваш бинни Идрис бинни Шиш алайҳиссалом бинни Одам Сафиюллоҳ.

### **Амирул мўъминин Али (р.а.)нинг авлодлари баёнида**

Билинсинларки, бир қавлда ҳазрат Али (р.а.) нинг ўттиз олти фарзанди бўлган дейилади. Улардан ўн тўққизи ўғил эди. Улардан олтитаси ул жаноб Али (р.а.) нинг тириклик пайтларида вафот этган эди. Қолган ўн учи у жанобдан кейин қолган эди. Улар: Ҳасан ва Ҳусан ва Муҳаммад Ҳанифа ва Абубакр ва Умар ва Усмон ва Авф ва Жаъфар ва Абдуллоҳ ва Аббос ва олтитаси Карбало (Ироқ мамлакатадаги шаҳар) даштида шаҳидлик шарбатини ичдилар. Абубакр Умар ва Усмон ва Авф ва Жаъфар ва Аббос.

### **Амирул мўъминийн имом Ҳасан (р.а.) авлодлари баёни**

Ул жанобнинг ўн олти фарандлари бўлган. Улардан ўн бири ўғил эди. Ҳасан бинни Ҳасан ва Ҳусайн ва Талха ва Исмоил ва Абдуллоҳ ва Ҳамза ва Яқуб ва Абдурахмон ва Умар ва Қосим бузруклари билан Карбало даштида ҳозир эдилар. Улар (у ерда) шаҳидлик шарбатини ичганлар.

### **Амирул мўъминийн Ҳусайн (р.а.) авлодлари баёни**

Ул жанобнинг уч нафар фарзандлари бор эди. Имоми Зайнул-Обидийн ва Али Акбар ва Абдуллоҳ, Имоми Зайнул-Обидийннинг лақаблари Али Асғар эди.

### **Имоми Зайнул-Обидийннинг авлодлари баёни**

Ул жанобнинг олти фарзандлари бор эди. Муҳаммад Боқир ва Али Боҳир ва Зайд ва Умар ва Ҳусайн ва Абдуллоҳ.

### **Имом Муҳаммад Боқир (р.а.) авлодлари баёни**

У жанобнинг бир ўғиллари бор эди. Исми имоми Жаъфар Содик (р.а.). Ул жаноб Жаъфари Содик (р.а.) нинг беш ўғиллари бор эди. Имоми Исмоил имоми Мусо Козим ва имоми Муҳаммад ва имоми Исҳоқ ва имоми Али.

### **Имоми Мусо Козим (р.а.)нинг авлодлари баёни**

Имом Мусо Козимдан кўп фарзанд қолди. Имом Али Мусо Ризо ва имом Иброҳим ва Зайд ва Абдуллоҳ ва Убайдуллоҳ ва Бурҳон ва Муҳаммад ва Аҳмад ва Жаъфар ва Ҳамза ва Аббос ва Сулаймон ва Ҳусайн ва Фазлуллоҳ ва Ҳасан ва Исҳоқ ва Исмоил.

### **Имом Али Мусо Ризо авлодлари баёни**

Ул жанобнинг бир нафар ўғиллари бор эди. Унинг исми имоми Муҳаммад Тақий.

### **Имом Муҳаммад Тақий авлодлари баёни**

У зотнинг икки ўғли бўлиб, улар Али Нақий ва Мусо Мубарқий.

### **Имом Нақий авлодлари баёнида**

Ул зотнинг икки ўғиллари бор эди. Ҳасан Аскарӣй ва Жаъфар.

### **Ҳасан Аскарӣй авлодлари баёни**

У зотнинг икки ўғли бўлди. Мусо ёшлигида вафот этди. Кейингиси Муҳаммад Тақий.

### **Султон Муҳаммад Тақий насаби баёнида**

Билинги, Султон Муҳаммад Тақийнинг икки ўғли бўлди. Али Тақий ва Мусо Мубарқаъ. Билинги, Мусо Мубарқаънинг икки ўғли бўлди. Уларнинг исми Аҳмад ном ва иккинчисининг исми Ҳусайн ном эди.

Билинги, Аҳмад нақиб бўлди ва падарининг ўрнини эгаллади. Мукаррам ва муаззам бўлди. Халқнинг муқтадоси ва пешвоси бўлди. Мадинаи-муаззамдан одамлар билан Ироқ ва Қум (Ироқдаги шаҳар) шаҳрига келдилар. У диёрнинг одамлари бундан хабар топиб, у жанобга пешвоз чиқдилар.

### **Шоир айтади:**

Хабар топди халқи бу водийни,  
Пешвоз чиқди кўрайлик деб ҳодийни.

Молу жонни нисор айладилар,  
Фахр билан виқор айладилар.  
Анда ҳозир сиғару кибор,  
Ул буюрса чокардек тайёр.

Ул диёрнинг подшоҳи бор эди. У Султон Муҳаммад-Нор лақаби Абу Саййид худойи банда, араб ва аҷам подшоҳи эди. У подшоҳда пайғамбаримиз (с.а.в.) ва у

зот аҳли-оилаларига нисбатан муҳаббат рағбати кучли эди. Улардан бирор кишини топиб давлатини улар билан безаш эди.

### **Шоир айтади:**

Шоҳга айтди халқ боадаб,  
Келмиш Расул авлоди араб.

Ул саййиднинг оти Аҳмад ном,  
Осмон тоқида ойу юлдуз имом.

Фозилу пок райъи муктадо эрур,  
Исми поки Муҳаммад Тақий эрур.

Шоҳ бу хабарни эшитиб, филҳол Қум шаҳрига равона бўлди ва (у) имом истиқболларига чикди ва у зотнинг камолини кўриб, у кишига ихлоси ортди ва кўп тухфалар билан ўз қизини у кишининг никоҳига беришга рози бўлди.

### **Шоир айтади:**

Қизи хуснда шаҳриёру жаҳон,  
Исми унинг Фотимаи жаҳон.

Юз эъзоз ила шоҳи нек андиш,  
Ифтихор билан қилар эди иш.

Қизини ақд айлади саййидзодага,  
Бу ишдан тўқ кўнгли эди ризога.

У саййидзодага подшоҳликни топширди ва у саййидзодага Ироқ ва Ажам халқлари тобе бўлишди ва чин дилдан ҳурмат қилдилар. Шоҳнинг қизидан ул жанобнинг тўрт фарзандлари бўлди. Улардан бири фозил киши эди. Исмлари Султон Маҳмуд бўлиб, оёқлари озроқ оқсар эди. Шу сабабли у кишини Султон Муҳаммад аъраж деб аташар эди. У зот оталари

вафотидан сўнг унинг ўрнига ўтирдилар. Султон Маҳмуд аъражнинг авлодлари кўп эди. Улардан бирининг исми Малик Аҳмад бўлиб, подшоҳлик унга топширилди. Малик Аҳмад Фарах (Хирот вилоятидаги шаҳар) шаҳрига бордилар ва у ернинг халқи у кишига кўп ҳурмат кўрсатди. У ерда етти йил бўлдилар. Сўнгра Қум шаҳрига келдилар. У кишининг уч фарзанди бўлди. Ўғиллари орасида Султон Аҳмад исмли ўғиллари бўлиб, отасининг тахтига ўтирди. Султон Аҳмаднинг тўрт ўғли бор эди.

### **Шоир айтганидек:**

Унинг тўрт ўғлони бор,  
Бари хуш хулқ хусндор.

Улардан бирининг исми Султон Мусо бўлиб, у отасидан кейин тахтга ўтирди. Султон Мусонинг бир ўғли бўлди. Исми Султон Камрон Аҳмад бўлиб, ундан икки ўғил қолди. Бирининг исми Султон Муҳаммад Одил ва бошқасининг исми Султон Яҳё эди. Улардан саккиз фарзанд қолиб, ўз навбати билан оталари ўрнига ўтиришди. Улардан бири Султон Хусайн бўлиб, ундан уч ўғил қолди. Улардан бирининг номи Султон Абдуллоҳ бўлиб, қарийб ўн йил Қум шаҳрида подшоҳлик қилди ва Қум халқи у зотга итоатда бўлдилар, тамоми бор мулкларини у кишига бағишладилар. Ул зотдан уч ўғил қолди. Улардан бирининг номи Султон Маҳмуд бўлиб, у отасининг ўрнига ўтирди. Ундан бир ўғил бўлиб, исми Султон Муҳаммад эди. У отасини ўрнини эгаллади. У зотнинг фарзандлари кўп бўлди. Улардан бирининг исми Султон Мутаҳҳар бўлиб, отасини ўрнига ўтирди. Ул зотнинг саккиз ўғли бор эди. Улардан бирининг исми Султон Жалолиддин бўлиб, оталарининг ўрнига чикди.

### **Шоир айтади:**

Тожли Жалолиддин бўлди султон,  
Илмда камолотга етган инсон.

Кошифи илм эди шоҳи замон,  
Ҳал бўларди мушкилоти- жаҳон.

Тижоратга кўпроқ майл кўрсатди. Шунингдек,

### **Шоир айтади:**

Сафарга ройи бўлди ул сарварни,  
Бухоро сари айлади ул гузарни.

Шоҳ эди жойи мулкусарир,  
Ўзи шер номи адлу назир

У вилоят шоҳи Шайх Жалололдинни келишларини эшитиб, ул жанобнинг зиёратларига чиқди. Ўзининг тож-тахтини ихлос билан нисор қилиб, у кишига мурид бўлди. Ҳар мушкулоти бўлса, Бухоро халқи ул жанобнинг хизматларига келар эди ва мушкулотлари осон, муродлари ҳосил бўлар эди ва у жаноб шу Бухородан уйланиб, шу ерда муқим бўлиб яшаб қолдилар. Қисқа муддатда халойиқлар ул жанобнинг атрофига тўпландилар. Халқнинг бундай тўпланганлигидан подшоҳ ваҳима ва саросимага тушди ва ул жанобнинг шаҳид бўлишларига сабабчи бўлди. Шу сабабли шайх Жалололдинни Бухорои шарифда Миршаҳид аташади. У жанобдан икки ўғил қолди. Ҳар бири соҳиби хунар ва ҳашамат эди. Улардан каттасининг номи Султон Қутбиддин Юсуф эди. У отасининг ўрнини эгаллади ва халқнинг пешвоси, соҳиби садр-шариат ўз қизини Султон Қутбиддин Юсуфга берди. У жанобдан тўрт ўғил қолди. Улардан бирининг исми Саййид Асадуллоҳ эди. У ўз даврининг ақл-заковатлиларидан бири эди. У жанобдан икки ўғил қолди. Улардан бирининг номи Саййид Закийиддин эди. У ўз отасини ўрнини эгаллади. У жанобдан ҳам беш ўғил қолди. Уларнинг барчалари олим ва фозил кишилар эди.

### **Шоир айтади:**

Ҳаммаси илмуяқин пешвоси,  
Муиз Жалололдин улар аьлоси.

Қолди ундан ўн икки фарзанд,  
Бари муршид ва саодатманд.

Қутбиддин Юсуф фахр эди буткул,  
Буюрса хал эди жамъи мушкул.

Қутбиддин ҳазратларидан икки ўғил қолди. Бирининг номи Султон Муҳаммад Яҳё ва яна бирининг номи Султон Музаффар Одил. Султон Муҳаммад Яҳё ўз оталари мақомини олди. Аллоҳ таоло халқининг муқтадоси бўлди ва у ҳазратдан икки ўғил қолди. Бирининг исми Султон Мир Яҳё бўлиб, у ўз отасининг мақомини олди. У жанобдан уч ўғил қолди. Улардан Ховандмалик ўз отасини мақомини эгаллади. У жанобдан икки ўғил қолди. Улардан бири машхур Амр Хожа Марзавий бўлиб, у ўз отасининг мақомига чиқди. У кишидан уч нафар ўғил қолди. Улардан бирининг исми Амр Жалололдин бўлиб, ундан беш ўғил қолди. Бири Султон Мутаҳхир, бири Амр Султон Яҳё эди. Амр Султон Мутаҳхирдан бир ўғил бўлиб, у Амр Султон Музаффар эди. Амр Султон Яҳёдан уч ўғил бўлиб, бири Амр Жалололдин Муҳаммад, бири Амр Муҳаммад Султон, бири Амр Султон Малик Муҳаммад. Султон Амр Муҳаммаддан бир ўғил қолиб, уни Мир Бузрук Сафид Мавло деб айтишар эди. У кишидан олти ўғил қолди. Бирининг исми Султон Маҳмуд бўлиб, унинг зикри кейинроқ келади.

### **Зайнул-мастурот Обида Бегим Мир Султон Яҳё оналарининг насаблари баёнида**

Обида Бегим бинти Султон Қутбиддин ибни Султон Мутаҳхир ибни Султон Жалололдин ибни Султон Яҳё ибни Султон Жалололдин Марзавий ибни Султон



Рукниддин ибни Саййид Жалолиддин ибни Султон Садриддин ибни Мир Ҳайдар ибни Мир Абулқосим ибни Султон Муҳаммад ибни Султон Исмоил ибни Султон Яҳё ибни Мир Ҳусайн ибни Али Боқир ибни имоми Зайнул-обидийн ибни имоми амирул мўъминийн Ҳусан (р.а.) ибни Халифатур-робийъ (тўртинчи халифа), соҳиби Сайфу Қотиъ (кескир қилич) Асадуллоҳил-ғолиб Али ибни Толиб разийаллоҳу таоло анҳум ажмабийн.

### **Султон Маҳмуд Содик авлодлари баёнида**

Султон Маҳмуд Содикнинг бир қизлари бўлиб, унинг исми Оқовандбегим эди. У илму зоҳирий ва илму ботинийда тамом камолотга етган эди ва Султон Маҳмуд қизини вояга етганини кўриб, унга муносиб куёв излар эди. Шу пайтда Саййид Абдуллоҳ Саййид Поянда Муҳаммад номи билан машҳур зот Ғиждувон туманига келган эдилар ва у жаноб илм аҳлининг шами шабистони ва дин аҳлининг муқтадоси ва ҳазрати Саййид Бурҳониддин Қилич Ўзгандий авлодидан эдилар. Султон Маҳмудга муруқаба оламида Саййидзодани келиши маълум бўлди. Саййидзода Оқовандбегимга насаб жихатидан тўғри келар эди. Султон мазкур Саййидзодани сўраб суриштириб, унга ўз муродини баён қилди. Чунончи, ушбу муснафил-хайр соҳиби қўйидаги назмни келтиради:

Султон қизи муршиди аййом,  
Жамлади барча илмни тамом.

Ногоҳ ҳусни ойи топди камол,  
Хурсанд қилди отасини бу ҳол.

Кўзини юмди муруқабада,  
Яхши хабар келди ўшал онда.

Саййидзода келмиш Ўзгандан,  
Зиёда эрмиш кутгандан.

Номи унинг шайхи Поянда,  
Ҳақ йўлин кўрсатар намоянда.

Таҳсил олганди илму қолдан,  
Дарс берар эди илму ҳолдан.

Чорлади Султон айтгали роз,  
Деди: Эй дин илмига мумтоз.

Қизим билсанг соҳиби илмдур,  
Ўзи билсанг соҳиби ҳилмдур

Хоҳлайман уни ақдингга олгил,  
Қобулинг билан кўнглимни олгил.

Шайх Поянда қилмади уни маҳтал,  
Ақдига олди қизни ўшал маҳал.

Улардан уч фарзанд бўлди, Мир Саййид Шариф, Мир Ҳусайн, Мир Саййид Фатхуллоҳ. Сактаре (Бухоро вилоятидаги қишлоқ номи) қишлоғида маскан қилган Мир Саййид Фатхуллоҳ Байтуллоҳни тавоф қилишни кўнгилларига келтирдилар ва аҳли-биродарлари билан видолашиб, эҳром боғладилар. Макка шаҳридаги Байтуллоҳни тавоф қилиб уммулбилод (Макка шаҳри) бўлган Балх шаҳрига келдилар. Мир Саййид Фатхуллоҳ ҳазрати Порсо валининг Файзул-анвор номлик мазорларига келиб, шу ерда истиқомат қилиб қолдилар ва ул зотга насибангиз Насафда деган буйруқ бўлди. Бузруквор тоғалари амри, азиз арвоҳлар башорати билан (Мир Саййид Фатхуллоҳ)га Насаф (вилояти) га тобе, Кўҳнабоғ мавзуига (бориш) маълум қилинди. (Кўҳнабоғ) алҳол (ҳозирда) Патрон номи билан маълум ва машҳур қишлоқдир. Ул жаноб бу ерга келиб, хонақоҳ бино қилдилар ва шу ерда истиқомат қилишни ихтиёр

қилдилар. Алҳол (айни чоғда) ул жаноб хонақоҳнинг шарқий томонида дафн қилинганлар.

### **Жаноби Мир Саййид Фатхуллох авлодлари баёни**

Нубувват бахрининг ойи, чарақлаган футуват бадри, ҳақиқат сирлари кашшофи Мир Саййид Фатхуллоҳнинг икки ўғиллари бор эди. Уларнинг ҳар бири ўз замонасида илму зоҳирий ва илму ботиний билимдонларидан эди. Улардан бирининг исми Мир Саййид Исҳоқ ва иккинчисининг исми Мир Саййид Абу Туроб бўлиб, у жанобдан тўрт ўғил қолди. Саййид Зиёвуддин, Саййид Низомиддин, Саййид Муртазо, Саййид Асадуллох. Жадди бузрукворларининг башорати билан Саййид Зиёвуддин Ҳисор вилоятига бордилар ва у ерда истиқомат қилиб қолдилар. (У зот) Ҳисор вилоятининг Пистамозор номли жойида дафн қилинганлар. Саййид Низомиддин Кўлоб вилоятига жўнатилдилар ва у зот вилоят аҳлининг муқтадоси эдилар, авлодлари ҳам ўша ерда. Саййид Низомиддин вафот этаётган вақтлари икки халифаларига жасаглари Насаф вилояти Падарон (Оталар) мавзуидаги жадди бузрук (падар)лари равзасига олиб бориб, дафн қилишни васият қиладилар. Пири муршид амрига кўра муридлар ул жанобнинг вафотларидан кейин Аллоҳ халқининг муқтадоси жасадини олиб йўлга тушишди. Муборак жасадини Чакчак (Қашқадарё вилоятидаги қишлоқ номи) вилоятига олиб келиб тўхташади. Шу ерда пешин намозини ўқиб, яна йўлга тушишганда, уларга йўл кўрсатиб бир кийик пайдо бўлди. Улар пир жасадини айтилган мавзе, равзаи падарон (оталар)га олиб келишганда, йўл бошлаб келган кийик ўз-ўзидан кўздан ғойиб бўлади ва муридлар Саййид Низомиддин ҳазратлари жасадини жадди бузруквор (падар)лари равзасининг қибла томонига дафн қилишди. Мир Саййид Асадулло Қундуз вилоятига жўнатилганлар ва шу ерда дафн қилинганлар.

Мир Саййид Муртазо жадди бузруквор (падар) лари равзасининг қибла томонига дафн қилинганлар.

### **Қутблар қутби ҳазрати Саййид Ато насабноналари**

Қутблар қутби ҳазрати Саййид Ато қабрлари нурга тўлсин Мир Саййид Муртазо оналари Саййида Зайнулмастурот Окобегимжон бинти Саййид Мир ибни Мир Тожиддин Али ибни Султон Аҳмуд ибни Мир Бузрук Сафид Мавло ибни Султон Яҳё ибни Султон Муҳаммад ибни Султон Маҳмуд ибни Султон Яҳё ибни Мир Саййид Рукниддин ибни Саййид Асадуллох ибни Қутбиддин Юсуф ибни Саййид Жалолиддин ибни Султон Мутаҳҳар ибни Саййид Абдуллох ибни Саййид Султон Ҳусайн ибни Султон Яҳё ибни Султон Мусо ибни Султон Аҳмад ибни Султон Мусо ибни Султон Аҳмад ибни Саййид Султон Муҳаммад ибни Султон Аҳмад ибни Султон Муҳаммад ибни Султон Мусо Мубарқаб ибни Имом Муҳаммад Тақий ибни Имом Али Мусо Ризо ибни Имом Мусо Козим ибни Жаъфар Содик ибни Муҳаммад Боқир ибни Зайнул-обидий ибни амирулмўминийн имом Ҳусан ибни Асадуллохул Ғолиб Али ибни Толиб уммул Набий саллоллоху алайҳи васаллам ва ала олиҳи ва асҳабиҳи ажмаъийн.

### **Мир Саййид Исҳоқ авлодлари баёнида**

Мир Саййид Исҳоқнинг бир ўғиллари бор эди. У фарзанд ўз замонасининг комилу мукаммали эди. Исми мубораклари эшони Мир Саййид Парсо эди.

У муршиди ғавсининг кўрсатган валийлик кароматлари баёнида:

Жума кунларининг бирида муаззин азон айтмасдан муруқабда эшони Мир Саййид Парсога маълум бўлдики, Фазли (Касби туманидаги қишлоқ) қишлоғи

масжиди кулаш арафасида. Шунда у жаноб бошларини кўтариб сўфиларига: «Фазли мавзеига борамиз» деб буюрдилар ва Фазли (қишлоғи)га жўнадилар. Ўша пайтда аҳли Фазли (қишлоғи) масжидда йиғилиб туришган бўлиб, барчалари пирни кўриб, унга пешвоз чиқишганда масжид ўрнига кулаб тушди. Пирнинг зиёратига чикқан Фазли (қишлоғи) халқи бирор зарар кўрмасдан муқаррар ҳалокатдан омон қолдилар ва улар бунини пирнинг каромати билиб, балодан олиб қолган пиру комилга барчалари мурид бўлдилар. Юқорида баён қилинган пири комил эшони Мир Саййид Парсо ҳазратларидан бир ўғил қолди. У фарзанднинг исми Эшонжон эди. У жанобдан эса бир ўғил Саййид Неъматулло бўлиб, у жанобдан икки ўғил Саййид Иноятулло ва Саййид Боболар қолди.

### **Замона кутби Саййидлар Саййиди Мир Саййид Фатҳуллоҳ насабномаси**

Мир Саййид Фатҳуллоҳ ибни шайхул-машойих Саййид Абдуллоҳилмусаммал машхури поянда Муҳаммад Сактарекий лақаби Зухриддин ибни Абулфазл дарвеш ибни Шарофиддин Хусайн ибни Саййид Камолиддин Хусайн Хоразмий, Хоразмнинг машойихул-кабир ва катта авлиёларидан эди. Ибни Шохобиддин Хусайн ибни Фахриддин Хусайн ибни Саййид Аҳмад ибни Шамсиддин Хусайн ибни Саййид Камолиддин ибни Саййид Бурҳониддин Қилич Ўзгандий, Ўзганки Фарғонага тобе-дир. Саййид Камолиддин Хусайн ҳазратлари ўн саккиз ёшларида Мадинаи мунавварадан пири комил талабида Андижон вилоятига келган эдилар.

#### **Чунончи, шоир айганидек:**

Чун эшитди халқи водий,  
Юртга келди фарзанди набий.

Моли жонни нисор этдилар,  
Келишини фихор этдилар.

Ул диёрда султон Илик номли подшоҳ бор эди. Унга замон муқтадолари ва вилоят аҳллари ва бошқалар бўйсунган эдилар. Подшоҳга саййидулмурсалийн ва хотимун набий Муҳаммад (с.а.в.) муроқабада башорат қилдиларки, «Бизнинг фарзандларимиздан бири сизнинг вилоятингизга келди тарбия қилинг, ботиний ҳолидан огоҳ бўлинг ва қизингизни унга никоҳлаб беринг». Подшоҳ Султон Илик бошини кўтариб хизматкорларига: «Мадинадан бир саййидзода бизнинг вилоятга келибди. Уни бу ерга келтиринглар» – деб буюрди. Саййидзодани топиб келтирдилар ва кўп иззат-икром қилдилар. Саййидзоданинг пойига тўққиз қат кўрпа солинди. Бироқ Саййидзода камтарлик юзасидан беш қаватини йиғиштириб тўрт қават кўрпача устида ўтирдилар. Ва у зот кўзларини юмиб муроқабага кетдилар ва ўзларини тўртинчи осмонда кўрдилар ва бошларини кўтариб хайрон бўлиб турган эдилар, подшоҳи олий мақом Саййидзоданинг олдиларига кириб келиб: «Агар кўрпачани беш қаватини олиб ташламаганингизда тўққизинчи осмонда сайр қилган бўлар эдингиз», – деди. Шундан сўнгра подшоҳ юқоридаги пайғамбаримиз (с.а.в.) башорат(и)га кўра ўз қизини Саййидзодага никоҳлаб берди. Қизининг исми Фотима Султон эди.

Саййид Камолиддин Хусайн ибни шох Хусайн ибни Султон Муҳаммад ибни Саййид Аҳмад ибни Абдуллоҳ Фазл ибни Саййид Абдуллоҳ имоми Муҳаммад Толиб ибни имоми Али Ризо ибни Мусо Козим ибни имоми Жаъфар Содик имоми Муҳаммад Боқир ибни Зайнулобидийн ибни амирулмуъминийн Хусайн рази-аллоҳу таоло анҳум ажмаъийн ибни Асадуллоҳул Голиб Али ибни Толиб.

#### **Мир Саййид Муртазо авлодлари баёнида**

Билсинларки, Мир Саййид Муртазонинг уч ўғиллари бор эди. Улар учаласи ҳам ўз вақтида комил ва

мукаммал инсонлар эдилар. Улардан бирининг номи эшони Мир Бузрук, яна бирининг исми эшони Мир Абу Наср ва яна бирининг номи Саййид Жалолиддин эди. Саййид Жалолиддин Каъбаи Муаззамани тавоф қилишни ирода қилдилар ва эҳром боғлаб Байтуллоҳни тавоф қилишга мушарраф бўлдилар. Байтуллоҳдан қайтишда Ҳиндистон вилоятига тўхтаб, шу ерда истикомат қилиб қолдилар ва ўша жойда вафот этдилар. Ҳозирда у вилоятни Саййид Жалолиддин Бухорий вилояти дейишади.

### **Саййид Мир бузрук авлодлари баёнида**

Ул жанобнинг икки ўғиллари бор эди. Бирининг исми Саййиди Абулаъло, иккинчисини номи Саййид Султон. Саййид Абулаъло авлодлари: Ул жанобнинг бир ўғиллари бор эди. Исми Мир Саййид Тўра. Саййид Султон авлоди: Билингки, у жанобнинг уч нафар фарзандлари бор эди. Бирининг номи Мир Саййид Аҳмад лақаби Турсун Хожа, яна бирининг номи Мир Саййид Мансур, яна бирининг номи Мир Саййид Подшоҳ эди. Мир Саййид Наср авлоди баёни: Билингки, ул жанобнинг бир ўғли бор эди. Исми мир Саййид Абдуллоҳ Ато. Билингки, ул жанобнинг бир ўғли бўлиб, исми Мир Саййид Абдуллоҳ лақаби Саййид Араб эди. Амирулмўминийн Муҳаммад Баҳодирхон асрида Мир Саййид Муртазо авлодлари насабномаси ислом уламулари ва сохиби эҳтиром фузалолар эътиборига ҳавола қилинди.

### **Етти туғ ота шажараси**

Бугунги кунда берилган имкониятлардан фойдаланиб юртимизда туғилиб, шу ерда яшаган аجدларимиз ва уларнинг эзгу ишларини ўрганиш муҳим ишлар сирасига киради.

Қашқадарё вилоят маркази бўлган Қарши шаҳри-

дан 15 км жанубий - ғарбда Патрон қишлоғи жойлашган. Патрон қишлоғи Қарши туманидаги қадимий қишлоқлардан биридир. Қишлоқда Етти туғ макбараси жойлашган бўлиб, бу ерда дафн этилган кишиларнинг кимлигини, уларнинг аждод-авлодлари кимлар бўлганлиги ҳақида маълумот берувчи шажара мавжуд. Бу шажара тарихий кўлөзма манба бўлиб, у бугунги Мустақиллик кунларигача авайлаб-асраб олиб келинди. Бу шажара Етти туғ ота шажараси деб номланади. Етти туғ шажараси узунлиги 5 м 25 смдан иборат бўлган қадимий кўлөзма ёдгорликдир. Шажара қадимда хужжатлар ёзиладиган ўрама хитой ипак қоғозидан ёзилган.

Маълумки, насл-насаб жиҳатидан шажаралар учга бўлинади.

- 1. Ҳукмдорлар шажараси.*
- 2. Оддий фуқаролар шажараси.*
- 3. Диний арбоблар шажараси.*

1. Ҳукмдорлар шажараси. Айрим ҳукмдорлар ўзларининг насаби, ҳукмронликдаги куч-қуввати, мартабасини ифодаловчи шажаралар туздирганлар. Масалан: Шайбонийхон, Абдуллоҳон шажараси.

2. Оддий фуқаролар шажараси. Шахс ва оила насл-насабини ифодаловчи фақат инсонлар исмларидан иборат бўлган шажаралар оддий шахс шажараси дейилади. Бунга шахслар томонидан ўзлари учун тузилган шажаралар киради.

3. Диний арбоблар шажараси. Диний жиҳатдан маълум мавқени эгаллаган диндорлар ва уларнинг тариқатлари, ҳоллари, яшаган маконлари ҳақида баён қилинган шажаралар диний арбоблар шажараси дейилади. Уларга тариқат силсиласидаги шажаралар мисол бўлиши мумкин. Шажаралар шахс ва омма эътибори билан иккига бўлинади. 1. Хосларга оид шажаралар. 2. Оммага оид шажаралар.

1. Хосларга оид шажаралар. Агар шажара бирон шахс ёки оилага тааллуқли бўлса бундай шажаралар

хоссатан шажаралар дейилади. Бунга шахс ва оилага оид шажара киради.

2. Оммага оид шажаралар. Агар шажаралар шахслар, оилалар, уруғ-аймоғлар, халқлар ҳақида баён қилса, бундай шажаралар омматан шажаралар дейилади.

Етти туғ ота шажаралари диний раҳнамолар шажарасига тааллуқли шажара ҳисобланади. Чунки шажара Етти туғ отани тасаввуф аҳлидан эканликларини баён қилади. Шу ўринда тасаввуф ҳақида қисқа маълумот бериб ўтсак. Тасаввуф арабча сўз бўлиб, у қуйидаги маъноларни англатади:

1. Тасаввуф арабча сувф, яъни жун деган маънони беради. Айрим фозил одамлар кийимлари жундан бўлган, чунки жун майин ибодат учун қулай кийим ҳисобланган. Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳам жун кийим кийганлар.

2. Тасаввуф-сафо сўзидан олинган, тасаввуфдаги кишилар қалби соф инсонлар бўлишган.

3. Тасаввуф-суффа, яъни пайғамбаримиз даврларида масжид ёнида усти ярим ёпилган супа бўлган, ана шу супада яшаб, ўзларида тақво илм ҳосил қилган кишилар аҳли тасаввуф дейилган. Бу учала таърифдан энг тўғрироғи биринчи таъриф тасаввуфнинг маъноси ва мазмунига тўғри келади. Тасаввуф ҳижратнинг иккинчи йилида пайдо бўлиб, унга тобеъинларнинг улуғларидан Ҳасан Басрий асос солганлар. Ҳижратнинг учинчи ва тўртинчи йилида тасаввуфнинг аҳли тариқати юзага келди. Тасаввуфдаги аҳли тариқатни шу тариқатга асос солган кишилар номи билан аталган. Улар:

1. Мухосибия. (Ҳорис Мухосибий.)
2. Тайфурия. (Абу Язид-Боязид Тайфур Бистомий)
3. Жунайдия. (Жунад Бағдодия)
4. Қассория. (Ҳамдуд Қассор.) ва (х.к.)

Шу тариқатлардан Ўрта Осиёда кенг тарқалган тариқат кубровия, яссавия ва нақшбандия каби тариқатлар юзага келди. Мамлакатимиздаги авлиёлар, пирлар, хусусан комил инсонлар аҳли тариқат кишилари

ҳисобланган. Мазкур шажара ҳам Етти туғ ота (Мир Саййид Фатхуллох)ни аҳли тариқатдан эканликларига гувоҳлик беради.

### **Етти туғ ота тариқат аҳлининг қайси табақасидан?**

Шажарада: «У муршиди ғавсининг кўрсатган валийлик кароматлари». Ва яна: «Қутблар қутби Саййид ато насабномалари» дейилади. Бу каби мисолларни шажарадан кўплаб келтирса бўлади. Бу мисоллар Етти туғ отанинг аҳли тариқат бўлганликларини ва улар тариқатдаги табақасини белгилайди. Маълумки, тариқатда авлиёларнинг олти табақаси бор. Улар:

1. Қутб. 2. Ғавс. 3. Абдол. 4. Автод. 5. Нужабо. 6. Нуқабо.

Бу авлиёлар мақомини ҳожи Абдулғаффор Раззоқ Бухорий ўзининг тариқатга йўлланма китобида шундай баён қилади:

1. Қутб. Тасаввуф шайхларига бериладиган энг олий унвон. Тасаввуфда маълум бир даражага етган авлиёлар. Улар икки нафардирлар. Ҳар бир даврнинг ўз қутби бўлиб, улар ҳар бир замонда мавжуд бўладилар. Уларнинг қалби Мухаммад алайҳиссалом қалблари билан алоқадор бўлади.

2. Ғавс. Бу ҳам қутб каби бўлиб, ёрдам берувчи деган маънони англатади.

3. Абдол. Ғойиб кишилар тоифасидан бўлиб, ўзлари халқ ичида бўлсалар-да, уларнинг абдол эканликларини ҳеч ким билмайди. Абдол форс ва туркий тилларда «чихлтан» (қирқ кишидан иборат) деб юритилади. Улардан қайси бири вафот этса, ўрнига дарҳол янгиси тайин этилади. Олдинги кишига бадал (ўринбосар) бўлиб келгани учун ҳам уларга «абдол», яъни ўринбосарлар деб ном берилган. Баъзи манбаларда уларнинг адади 400та эканлиги қайд қилинган.

4. Автод-сўзининг луғавий маъноси – қозиклар. Улар ҳам Абдол каби зотлар бўлиб, ададлари баъзи манбаларда 4 нафар дейилса, баъзиларда 70 нафар дейилади.

5. Нужабо-олий зот бир тоифа авлиёларки, улар фақат инсонларнинг фойдаси учун фаолият кўрсатадилар. Уларнинг одамлар ҳаққига қилган дуолари мустажоб. Уларнинг адади баъзи манбаларда 70 дейилса, баъзи манбаларда 40 киши деб кўрсатилган.

6. Нукабо-тасаввуфда бир тоифа авлиёларга шу ном берилган бўлиб, улар умматлар учун зоминдилар. Улар одамларнинг сирларидан воқифдилар. Ададлари 300-нафар». Етти туғ ота юқорида санаб ўтилган табақаларнинг биринчиси яъни кутб табақасидадилар.

#### Етти туғ ота силсиласи қандай?

Тасаввуфда аждодлар силсиласи деган тушунча мавжуд. Аҳли тариқат бўлган пиру муршидлар ўз силсилаларига эга бўлганлар. Бу силсила аждод ва авлодлар баёни бўлганлигидан уни шажара ҳам деб юритилган. Буни тасдиғи сифатида Ҳожи Аҳмаджон Бобомурод ўзининг «Комил инсонлар йўлидан» деган китобида: «Силсила шажара ҳам дейилади. У дарахт маъносида бўлиб, пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо (с.а.в.) дарахт танаси бўлсалар, учта силсила дарахт танасидан ўсиб чиққан учта кичик танадир. Силсиланинг қолган давомчилари учта кичик танадан ўсиб чиққан шохлар мисолидир.»

Тасаввуфда учта силсила мавжуд.

1. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом авлодлари силсиласи бўлиб, уни олтин силсила дейилади.

2. Силсила ҳазрати Умар (р.а.) набиралари ҳазрати Али (р.а.) шогирдлари Ҳасан Басрий силсилалари.

3. Ҳазрати Шайх Юсуф Ҳамадоний силсилалари.

Юқорида тилга олинган китобда Ҳожи Аҳмаджон Бобомурод силсила тўғрисида: «Азиз биродарлар,

тариқатда учта силсила борлигини билишимиз лозим бўлади. Биринчиси: Саййидул коинот Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васалламдан Али ибни Толибга, у зотдан ўғиллари Саййидушшуҳадо имом Ҳусанга, кейин имом Зайнулобидийн Алиюл-Асғарга, кейин имоми Боқирга, кейин Жаъфаруссодиққа, кейин имом Мусо Козимга, кейин Маъруфул-Кархийга, кейин Сиррус Соқитийга, кейин Абулқосим Жунайд ул-Боғдодийга, кейин Абу Али Рўдборийга, кейин Абу Али ал-Котибга, кейин Усмонил Мағрибийга, кейин Абулқосим Гургонийга, кейин Абу Али Алформадийга ўтган. Бу силсиладагиларнинг ҳаммалари Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг авлодлари бўлганлиги учун, «Силсилатуз-заҳаб,» яъни олтин силсила дейилади», – дейди. Етти туғ ота (Мир Саййид Фатхуллоҳ) аждодлари силсиласи ҳам имом Зайнул-обидийндан имом Ҳусан (р.а.)га ва у зотдан Али ибни Толибга ва Саййидул коинот Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васалламга бориши шажарада қуйидагича баён қилинади: « Мир Саййид Фатхуллоҳ ибни шайхул-машойих Саййид Абдуллоҳилмусаммал машҳури поянда Муҳаммад Сактарекий лакаби Зухриддин ибни Абулфазл дарвеш ибни Шарофиддин Ҳусайн ибни Саййид Камолиддин Ҳусайн Хоразмий, Хоразмнинг машойихул-кабир ва катта авлиёларидан эди. Ибни Шоҳобиддин Ҳусайн ибни Фахриддин Ҳусайн ибни Саййид Аҳмад ибни Шамсиддин Ҳусайн ибни Саййид Камолиддин ибни Саййид Бурхониддин Қилич Ўзгандий ибни Саййид Камолиддин Ҳусайн ибни шох Ҳусайн ибни Султон Муҳаммад ибни Саййид Аҳмад ибни Абдуллоҳ Фазл ибни Саййид Абдуллоҳ имоми Муҳаммад Толиб ибни имоми Али Ризо ибни Мусо Козим ибни имоми Жаъфар Содик имоми Муҳаммад Боқир ибни Зайнулобидийн ибни амирулмуъминийн Ҳусайн разиаллоҳу таоло анҳум ажмаъийн ибни Асадуллоҳул Ғолиб Али ибни Толиб». Етти туғ ота силсиласини шажарага асосан қуйидаги кўрнишга келтириш мумкин.

Мир Саййид Фатхуллоҳ ( Етти туғ ота)  
Саййид Абдуллохилмусаммал Муҳаммад Поянда  
Сактарекий лақаби Зухриддин

*Абулфазл дарвеш*  
*Шарофиддин Ҳусайн*  
*Саййид Камолиддин Ҳусайн Хоразмий*  
*Шоҳобиддин Ҳусайн*  
*Фахриддин Ҳусайн*  
*Саййид Аҳмад*  
*Шамсиддин Ҳусайн*  
*Саййид Камолиддин*  
*Саййид Бурҳониддин Қилич Ўзгандий*  
*Саййид Камолиддин Ҳусайн*  
*Шоҳ Ҳусайн*  
*Султон Муҳаммад*  
*Саййид Аҳмад*  
*Абдуллоҳ Фазл*  
*Саййид Абдуллоҳ*  
*Имоми Муҳаммад Толиб*  
*Имоми Али Ризо*  
*Мусо Козим*  
*Имоми Жаъфар Содик*  
*Муҳаммад Боқир*  
*Зайнулобидийн*  
*Ҳусайн разиаллоҳу таоло анҳум ажмаъийн*  
*Асадуллоҳул Ғолиб Али ибни Толиб*  
*Муҳаммад ( с.а.в.)*

Шажарада «Парсо вали» деган ном тилга олинади. Шажарада айтилган «Парсо вали» ким? Ҳазрати Алишер Навоий (1441–1501) «Насойимул - Муҳаббат» асарида: «Хўжа Парсо вали (р.т.) Аларнинг оти Муҳаммад ибни Муҳаммад ибни Маҳмуд Ҳофиз Бухорийдур (қ.с.) Улуғ Хожанинг кибор асхобидин дурлар... Ва саккиз юз йигирма иккида Муҳаррам ойининг Байт ул - ҳаром ва Набии зиёрати алайҳис салавот вас-салом нияти била

Бухородин чиқдилар ва Насаф йўли била Чағониён ва Термиз ва Балх ва Ҳиротқа мазороти мутабаррикаки, зиёрат қасди била азимат қилдилар... Амир ул-мўъминийн Аббос (р.а.) нинг муборак марқадининг живорида дафн бўлубдурлар – деб ёзади.

Хўжа Муҳаммад Парсо аҳли тариқат пирларидан Баҳоуддин Нақшбандийнинг халифаларидан бўлганлар. У асли бухоролик бўлиб, Баҳоуддин Нақшбанд билан ҳаж зиёратига кетиб йўлда вафот этганлар. Бу тўғрида Ш.Бобохонов А.Мансуров. «Нақшбандия тариқатига оид кўлёмалар фихристи» китобида: «Баҳоуддин ҳазратлари хижрий сананинг 718/1318 м. йили муҳаррам ойида Бухоронинг Қасри Ҳиндувон қишлоғида туғилиб 791/ 1389 м. йили шу қасри Орифонда вафот этганлар. Икки марта ҳаж сафарида бўлганлар. Кейинги сафарларида суюкли халифалари Хўжа Муҳаммад Парсо билан бирга ҳаж қилганлар. Мадинада Хўжа Парсо вали вафот этганлар.» – дейилади.

Алишер Навоий тавсиф берган зот Муҳаммад Хожа Парсо вали Бухородан ҳаж нияти билан йўлга чиқиб, ҳаж зиёратини адо этиб, Мадинаи мунавварада вафот этганлар. Аммо шажарада Парсо валининг мазорлари эса Балхда эканлиги баён қилинган. Манбаларда айтишича, Муҳаммад Хожа Парсо валининг ўғиллари Хожа Абу Наср эди. Хожа Абу Насрнинг ўғиллари эса Хожа Абдували Парсо бўлган. Хожа Абдували Парсо тўғрисида 1596 йилда ёзилган Ҳофиз Таниш Ал-Бухорий асарида: «*Балх волийси термизликлар аҳволини эшитгач, шу чорани кўрди: ёлворши ва зорлик қўлини ожизлик ҳамда фармонбардорлик этагига қўйиб, муқаддас даргоҳли, фаришта нисбат, азим шайхларнинг пешвоси, буюк каримларнинг хулосаси шайхул ислом жаноб хожаси Абдували Парсодан, унинг олий мартабаси абадий бўлсин, нажот излаб, ул ҳазратни воситачи бўлишига ундади*» – деб ёзади. Мир

Саййид Фатхуллоҳ шажараларида айтилган «*Ҳазрати Парсо вали*» Алишер Навоий тавсиф қилган Муҳаммад Хожа Парсо валининг неваралари Хожа Абдулвали Парсо бўлади. Чунки бу тўғрида тадқиқод олиб борган тарихчи олим П.Равшанов: «Хожа Абу Наср Парсонинг исми-шарифи тарихи асарларда деярли зикр этилмайди... Нима бўлганда ҳам, Мир Саййид Фатхуллоҳ Шайбонийлар Балх билан алоқаларни мустақкамлагач, уларнинг раъйи ва Хожа Абдулвали ёки унинг 1537 йилгача ҳаёт бўлган отаси сипориши билан Насафга жўнаган бўлиши ҳақиқатга яқиндир» – деб ёзади.

Шажарада: «Нубувват баҳрининг оийи, чарақлаган футуват бадри, ҳақиқат сирлари кашшофи, қофилаи лосори аҳли тариқат бўлган Мир Саййид Фатхуллоҳнинг икки ўғиллари бор эди».

Мир Саййид Фатхуллоҳ «Футуват бадри» дейилган, футуват нима?

Футуват-ёшлик, жавонмардлик, деган сўзларнинг маъноларига тўғри келади. Футуватни Н.Комилов ўзининг «Тасаввуф тараққиётидаги янги йўналиш» деган мақоласида: «Ҳақиқатдан ҳам, тасаввуф билан футуват кўп жиҳатдан яқин бўлиб, бир-бирини қувватлайдиган икки оқимдир. Бора-бора футуват тасаввуф тариқаларининг бир шохобчасига айланиб кетган. Чунки футуватда поклик, фидойилик, фақат эътиқодга риоя қилиш ва одамларнинг ҳожатини чиқариш, одамлар учун жон фидо қилиш, умрни яхшиликка бағиш лаш каби хислатлар олдинга сурилган бўлиб, тасаввуфнинг асосида ҳам шундай юксак ахлоқий покликка етишиш ғоялари ётади. Шунинг учун ҳам бу икки маънавий йўналиш бир-бирига ниҳоятда яқин бўлган,» – деб ёзади. Шажарада тўрт кишини насабномалари берилган бўлса, 55 кишини авлоди баён қилинган. Шажарани ўқиганда шунга эътибор бериш керакки,

шажарада бирор шахснинг ўзларидан кейинги авлодлари берилса, ундай ўринда авлодлар баёнида деб берилади. Масалан: «Жаноби Мир Саййид Фатхуллоҳ авлодлари баёни.»

«Амирул мўминин Али разиаллоҳу авлодлари баёнида»:

Аммо аждодлар ҳақида гапирилса, уларда насабнома деб фикр юритилган.

Масалан: «Замона кутби саййидлар саиди Мир Саййид Фатхуллоҳ насабномаси».

«Кутблар кутби ҳазрати Саййид Ато насабномалари насабномаси»:

Шажара Пайғамбаримиз (с.а.в.), маълум даражада у зотнинг авлод ва аждодлари насл-насабини ўзида акс эттиради. У диний таълимотга мувофиқ басмала, ҳамд саловат айтиш билан бошланади. Сўнгра Пайғамбаримиз наътларини ҳадислар орқали баён қилинади. У ҳадисларда Пайғамбаримиз туғма пайғамбар экани охирада энг биринчи тирилувчи, жаннатга кирувчи, Аллоҳ таоло жамолини кўрувчи каби хабарлар берилади. Шажарада жами 10 та ҳадис берилган. Бу ҳадислар пайғамбаримиз айтдилар деб бошланади.

Масалан: «Муҳаммад мустафо (с.а.в.) кама қола: «Аввалу ма холақоллоҳу нурий». (Ҳамма нарсалардан олдин Аллоҳ таоло менинг нуримни яратди) ва яна осмонда хутбаи нубуват пайғамбар (а.с.) номларида эди. Қола расулуллоҳ: «Кунту набиййан байна-л-маи ва-т-тийн» ва яна қиёмат куни тупрокдан биринчи бош кўтарувчи ҳам пайғамбар алайҳиссаломдурлар. Кама қола: «Ана аввалу йаншаку ани-л-арзи йавмал қиёмати» ва яна қиёмат куни гуноҳкорларни шафот қилувчи пайғамбар (с.а.в.)дурлар. Кама қола Расулуллоҳ: «Ана аввалу шофиъ ва мушфеъ», ва яна жаннатнинг эшиги аввал очиладиган киши ҳам пайғамбар алайҳиссаломдурлар. Кама қола: «Ана



аввалу ман йафтаху лаху бобулжаннати» ва яна парвардигор жамолини аввал кўрадиган киши ҳам пайғамбар алайҳиссаломдурлар, ва яна жумла рўйи заминда хотимунанбиё пайғамбар алайҳиссаломдурлар. Кама қола Расулуллоҳ: «хатмун биннубуват». Ва яна кишики сарвари коинот ва хулосаи мавжудот бўлган пайғамбаримиз ва у зотнинг аҳли оилаларига маърифат ва муҳаббат ҳосил қилган бўлса бу асли имон нишонасидур. Муҳаммад (с.а.в.) оилаларига муҳаббат дўзахдан нажот топиш ва сиротда йўлнинг кенг бўлиши, азобдан омонда бўлмоқ аломатидир. Расулуллоҳ (с.а.в.) айтадилар: «Кимки Муҳаммад (с.а.в.) оилаларига муҳаббат билан вафот этибди шаҳид ҳолда ўлган каби ва яна кимки Муҳаммад (с.а.в.) оилаларига муҳаббат билан вафот этибди гўё гуноҳларига мағфират топган каби ва яна кимки Муҳаммад (с.а.в.) оилаларига муҳаббат билан вафот этибди унга ўлим фариштаси Мункар-Накир жаннат хабарини берибди ва яна кимки Муҳаммад (с.а.в.) оилаларига муҳаббатли бўлса у гўё келин куёв уйига киргандек жаннатга киради ва яна кимки Муҳаммад (с.а.в.) оилаларига муҳаббат билан вафот этибди унинг қабрини раҳмат фаришталари кенг қилади ва яна кимки Муҳаммад (с.а.в.) оилаларига муҳаббат билан вафот этибди аҳли сунна вал-жамоатда вафот этган бўлади. Аммо кимки Муҳаммад (с.а.в.) оилаларига бўғзу-адоватда ўлибди икки кўзи орасида Аллоҳнинг раҳматидан бенасиб деб ёзилган бўлади ва жаннатнинг ҳидини ҳам ҳидламайди ва кофир ҳолда ўлган бўлади».

Расулуллоҳ (с.а.в.) айтадилар: «Ўзга кишининг насабномага киришини Аллоҳ лаънатласин ва билсинларки, шариати Муҳаммадияга кўра пайғамбар (с.а.в.) оилаларига садақа олиш ҳаромдур». Бу шажарада келтирилган ҳадисларга эътибор берилса, исноди берилмаганлигига гувоҳ бўламиз. Ва бу исноди йўқ ҳадислардан бирини олиб кўрайлик.

Масалан: «Муҳаммад мустафо (с.а.в.) кама қола: «Аввалу ма холақоллоху нурий». Таржимаси: «Ҳамма нарсалардан олдин Аллоҳ таоло менинг нурымни яратди». Бу ҳадис исноди билан жамланган имом Бухорий, имом Термизий ва бошқа муҳаддисларнинг ҳадисларида учрамайди. Чунки у беисноддир. У исломий таълимотга кўра мавзу ҳадис дейилади. У иснодли саҳиҳ ҳадисларга мувофиқ эмас. Чунки имом Термизий ва Имом Абу Довуддан ривоят қилинган қуйидаги ҳадисга кўра энг аввал яратилган нарса қаламдир. «Аллоҳ таоло энг аввал яратган нарса қаламдир». (Имом Термизий ва имом Абу Довуд ривояти.)

Муайян маънода шажара диний таълимот тақозосига мувофиқ ёзилган. Бу нарса шажарани тузган одамнинг диний маълумотига саводи борлигига далолат қилади. У кишининг ўзи айтганидек «Ислом ула молари ва фузалолари эътиборига» мос келадиган равишда ёзишга ҳаракат қилган. Шажара настаълиқда чиройли ҳусни хат билан ёзилган.

Шажарада шоирона сажъли бирикмалар шеърий лавҳалар учрайди. Бу тўғрида Муҳиддин Акбаров «Насабнома–адабий-тарихий манба» мақоласида Етти туғ ота шажаралари ҳақида: «*Шажарада шоирона сажъли бирикмалардан ташқари келтирилган шеърий парчаларнинг ўзи 62 мисрани ташкил этади. Шажара котиби кўп ҳолларда «чунончи шоир гуфта» (шоир айтганидек), « назм оварда » (назмда келтирилганидек) деган ибора билан у ёки бу шахсни, унинг фаолиятини, гўзал хулқини, фазилатини шеърий йўсинда тавсиф этади. Шажара нафис шеърий мисралар билан янада мазмунли, бадий ифодали ва ўқинили қилинган. Қуйида ана шу мисралардан бирини намуна сифатида келтирамиз:*

*Халқ гуфтанд, ки шоҳро баадаб,  
Дар дийори фараҳ з-сўйи араб,  
Саййид омад Аҳмади ном,  
Моҳи бурж тақий имоми аном.*

*Фозили покрай муттақий аст,  
3 - он, ки сабт Муҳаммад Тақий аст.*

*Мазмуни: Халқ подшоҳини одоб билан дерларки,  
фарах диёрига Араб томондин келгандир. Саййидзо-  
данинг номи Аҳмаддир, юлдузлар буржи орасида тақ-  
воли имом Ой кабидир. Фозилу покрай, муттақий эрур  
ки, шу боис исми Муҳаммад Тақий бўлган» – деб ёзади.*

Шажара тузувчи ҳам назмдан хабардор киши бўлган,  
чунки баъзан « муснафил-хайр соҳиби назм оварда »деб  
ўзи назм(шеър) келтиради:

*Султон қизи муришиди аййом,  
Жамлади барча илми тамом.  
Ногоҳ ҳусни ойи топди камол,  
Хурсанд қилди отасини бу ҳол.  
Кўзини юмди муроқабда,  
Яхши хабар келди ўшал онда.  
Саййидзода келмиш Ўзгандан,  
Зиёда эрмиш кутгандан.  
Номи унинг шайхи поянда,  
Ҳақ йўлин кўрсатар намоянда.  
Таҳсил олганди илму қолдан.  
Дарс берар эди илму ҳолдан.  
Чорлади султон айтгали роз,  
Деди эй дин илмига мумтоз.  
Қизим билсанг соҳиби илмдур,  
Ўзи билсанг соҳиби ҳилмдур  
Хоҳлайман уни ақдингга олгил,  
Қобулинг билан кўнглимни олгил.  
Шайхпоянда қилмади уни маҳтал,  
Ақдига олди қизни ўшал маҳал.*

Баъзан эса шажара тузувчи « шоир айтади »деб  
бошқа шоирлар шеърини келтиради:

***Шоир айтади:***

*Хабар топди халқи бу водийни,  
Пешвоз чиқди кўрайлик деб ҳодийни*

*Молу жонни нисор айладилар,  
Фахр билан виқор айладилар.  
Анда ҳозир сизгару кибор,  
Ул буюрса чокардек тайёр.*

Шажарада: «Амирул мўминийн Муҳаммад Баҳо-  
дирхон асрида Мир Саййид Муртазо авлодлари насаб-  
номаси ислом уламолари ва соҳиби эҳтиром фузалолар  
эътиборига ҳавола қилинди» – дейилади. Бу парчадан  
биз Шажара Амирулмўминийн Муҳаммад Баҳодир-  
хон замонида ёзилганини биламиз. Хўш, Муҳаммад  
Баҳодирхон ким? Бу саволга шу масалада изланиш  
олиб борган олим П.Равшанов шундай ёзади: «  
Бухоро тахтида ҳукм сурган сулолалар силсиласида  
Муҳаммад исмли хон фақатгина XVIII асрда ўтган  
ва у манғитлар салтанатига асос солган Муҳаммад  
Раҳимхондир. Муҳаммад Раҳимхон Аштархоний ҳукм-  
дор Абулфайзхонни орадан кўтариб, ўн бир йилу икки  
ой тахтда ўтиради. Абулфайзхон даврида (1711–1747)  
Бухоро хонлиги парчаланиб, бир нечта мустақил  
ҳокимликларга бўлиниб қолган эди. Муаррихлар  
қайд этганидек, Абулфайзхоннинг ҳукми Бухородан  
нарига ўтмай қолганди. Ҳатто, пойтахтда ҳам унинг  
эмас, Оталиқнинг сўзи амал қилар эди. Бу ҳақда,  
жумладан, Мирзо Абдулазим Сомий ўзининг «Тарихий  
салотини Манғития доруссалтана Бухоройи шариф»  
(х.1324-м.1906) асарида қизиқарли маълумотлар  
келтиради. Қарши манғитларининг пешвоси бў-  
либ келган Муҳаммад Раҳим ва унинг ота-боболари  
хонликда жуда катта мавқега эга бўлишган. Шаҳрисабз  
ва Қаршида унинг бобоси ва отаси ҳокимлик қилиш-  
ган. Муҳаммад Раҳимнинг ўзи Абулфайзхон даврида  
«Амирулумаро» мансабини эгаллади. 1747 йилда у эса  
Бухоро тахтига чиқади. Муҳаммад Раҳимхон ҳокимият-  
га келиши билан тарқоқ, деярли қўлдан чиқиб бўлган  
вилоятларни қайта бирлаштириш, марказлаштириш  
сиёсатини олиб боради. Абулфайзхондан фарқли ўла-

рок, давлатни бошқариш ишларини танҳо ўзи қўлига олади. Йирик уруғ бошлиқларининг ўзбошимчалик хатти-ҳаракатларига чек қўйилади. Парчаланиб, заифлашиб қолган хонлик ҳудудлари тикланади, аҳолининг яшаш тарзида ўзгаришлар юз беради. Ҳунармандчилик, савдо-сотик ишлари изга тушади.... Муҳаммад Раҳимхон саййиду эшонларга, пирларга катта мурувватлар кўрсатган, уларга таяниб иш кўрган. Жумладан, «Маҳозин ат-тақвий» асарининг муаллифи, амир Шоҳ Муроднинг ўғли Муҳаммад Ҳусайн Мирий асарида келтирилган бир далилни айтиб ўтиш жоиздир. Муҳаммад Ҳусайний ўзининг она томондан бобоси Кўлоб Эшони эканлигини, у кишининг Ғани Маҳдум исмли ўғли бўлганлигини айтади. Муҳаммад Раҳимхон Кўлоб Эшонига ихлосманд бўлганлиги, унга катта мурувватлар кўрсатганлиги ҳақида гапирилади. Эшоннинг фарзанди Ғани Маҳдум ҳам ўз навбатида, Ғузorni Муҳаммад Раҳимхонга тобе этишда муҳим мавқе тутди. Хон 1751 йилда Ғузorni қамал қилади ва куч ишлатиб уни ололмайди. Орага Ғани Маҳдум тушади ва низо сулҳ ва ўзаро яраш билан ҳал бўлади. Ғузор фатҳи эвазига Муҳаммад Раҳимхон Ғани Маҳдумга Қоратегинни тухфа қилиб беради. Кўлоб Эшонига кўрсатилган марҳамат хоннинг дин аҳлига бўлган муносабатини белгилашда муҳим далилдир. У давлатнинг энг олий лавозимларини 32 ўзбек уруғлари оқсоқолларига муносиб кўради. Муҳими, дин аҳли ҳам улуғ маснадларга ноил этилади. Хоннинг чап томонидаги биринчи ўрин нақибники, ўнг томондаги биринчи жой шайхулисломники бўлган. Шунинг ўзи ҳам Муҳаммад Раҳимхоннинг руҳонийларга қаттиқ таянганлигини англатиб туради. Унинг даврида ҳожикалон, шайхулислом, нақиб ва козиқалон (қозиаскар) диний рутбалари давлат миқёсидаги аҳамиятга молик даражага кўтарилган....Муҳаммад Раҳимхон 45 йил

умр кўради. У Ғиждувондан қайтишда, 1758 йилда вафот этади.... Хуллас, хонликдаги мўмин-мусулмонларни бирлаштиргани, марказлашган давлат вужудга келтирганлиги, жангу жадалларда музаффар бўлганлиги боис, Муҳаммад Раҳимхон исми-шарифига «амирулмўминийн», «баҳодир» деган унвонлар кўшиб айтилган, фармонларда бу истилоҳлар таъкидлаб ёзилган. Бинобарин, Муҳаммад Раҳимхон ҳукм сурган йилларда, яъни 1747/48–1758/59-йиллар оралиғида Мир Саййид Муртазо шажараси тузилган ва удумга мувофиқ тасдиқ этилган....Кўлоб Эшони патронлик саййид Низомиддин бўлган, унинг ва авлодининг Қашқа воҳасида обрў-эътибори бениҳоя баланд эканлиги сабаб, Ғузор аҳли эшонларнинг гапидан чиқа олмаган, қалъани тинч йўл билан хонга топширган, дейиш ўринлидек туюлади...Муҳаммад Раҳимхоннинг умумхалқ йиғинида хонлик унвонини олиш ҳаракатларида Қарши Саййидларининг хизмати катта бўлган. Кейинчалик Муҳаммад Раҳим Кўлобни қўлга киритгач, Саййид Низомиддинни шу жойда атайдан қўйиб келган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Мир Саййид Муртазо насабномасининг тузилиши ҳам унинг, ёинки, фарзандларининг бирор-бир амалга сипориш этилиши билан боғлиқ бўлишини тасаввур этиш мумкин. Мир Саййид Абу Туробнинг тўрт ўғлидан учтаси Муҳаммад Раҳимхон куч билан ўзига қаратган вилоятларга: «Саййид Зиёвуддин–Ҳисорга, Саййид Низомиддин–Кўлобга, Саййид Асадулло–Қундузга кетадилар» – деб ёзади.

Етти туғ ота (Мир Саййид Фатҳуллох) Патрон қишлоғидаги мақбарада дафн этилганликлари ҳақида шажарада:« ...Патрон қишлоғига (Мир Саййид Фатҳуллох) келдилар ва хонақоҳ (масжид) бино қилдилар ва истиқомат қилишни ихтиёр этдилар. Ва хонақоҳ (масжид) нинг шарқий томонига дафн қилиндилар» – дейилади.

Шажарада Етти туғ ота ким эканлигини, унинг Қашқадарё (Насаф) вилоятига келиб қолиш сабаблари, насаби ва уларнинг кароматлари каби баёнлар берилади. Шажарада Етти туғ отанинг асли исмлари Мир Саййид Фатхуллоҳ эканлиги ва у зот насаблари ҳақида шундай дейилади: «( Мир Саййид Фатхуллоҳ) ибни шайхул-машойих Саййид Абдуллоҳилмусаммал машхури поянда Муҳаммад Сактарекий лақаби Зухриддин ибни Абулфазл дарвеш ибни Шарофиддин Хусайн ибни Саййид Камолиддин Хусайн Хоразмий ибни Шоҳобиддин Хусайн ибни Фахриддин Хусайн ибни Саййид Аҳмад ибни Шамсиддин Хусайн ибни Саййид Камолиддин ибни Саййид Бурҳониддин Қилич Ўзгандий ибни Саййид Камолиддин Хусайн ибни Шоҳ Хусайн ибни Султон Муҳаммад ибни Саййид Аҳмад ибни Убайдулло Афзал ибни Саййид Абдулло ибни Имом Муҳаммад Толиб ибни Имом Али Мусо Ризо ибни Имом Мусо Козим ибни Имом Жаъфар Содик ибни Имоми Муҳаммад Боқир ибни Имоми Зайнулобидийн ибни Хусайн (р.а.) ибни амирул-мўминин Асадуллоҳил-Ғолиб Али ибни Абу Толиб Шажарада Етти туғ ота авлодларининг она томонидан уруғига ҳам эътибор берилади. Бу эса Етти туғ ота аждодининг аниқлигини янада мустаҳкамлайди.

Шажарада Етти туғ (Мир Саййид Фатхуллоҳ) аждодларининг Ўрта Осиёга келиб қолишлари ҳақида : «Мир Саййид Фатхуллоҳ ибни шайхул-машойих Саййид Абдуллоҳилмусаммал машхури поянда Муҳаммад Сактарекий лақаби Зухриддин ибни Абулфазл дарвеш ибни Шарофиддин Хусайн ибни Саййид Камолиддин Хусайн Хоразмий Хоразмнинг машойихул кабир ва катта авлиёларидан эди. Ибни Шоҳобиддин Хусайн ибни Фахриддин Хусайн ибни Саййид Аҳмад ибни Шамсиддин Хусайн ибни Саййид Камолиддин ибни Саййид Бурҳониддин Қилич Ўзгандий, Ўзганки Фарғонага тобедир. Саййид Камолиддин Хусайн ҳазратлари ўн

саккиз ёшларида Мадинаи мунавварадан пири комил талабида Андижон вилоятига келган эдилар. Ул диёрда султон Илик номли подшоҳ бор эди. Унга замон муқтадлари ва вилоят аҳллари ва бошқалар бўйсунган эдилар. Подшоҳга Саййидул-мурсалийн ва хотимун набий муроқабда башорат қилдиларки, «Бизнинг фарзандларимиздан бири сизнинг вилоятингизга келди тарбия қилинг, ботиний ҳолидан огоҳ бўлинг ва қизингизни унга никоҳлаб беринг». Подшоҳ Султон Илик бошини кўтариб хизматкорларига: «Мадинадан бир Саййидзода бизнинг вилоятга келибди. Уни бу ерга келтиринглар» – деб буюрди. ...Шундан сўнгра подшоҳ юқоридаги башоратга кўра ўз қизини Саййидзода га никоҳлаб берди. Қизини исми Фотима Султон эди. Саййид Камолиддин Хусайн ибни шоҳ Хусайн ибни Султон Муҳаммад ибни Саййид Аҳмад ибни Абдулло Фазл ибни Саййид Абдулло Муҳаммад Толиб ибни Али Ризо ибни Мусо Козим ибни Жаъфар Содик Муҳаммад Боқир ибни Зайнулобидийн ибни Хусайн разиаллоху таоло анхум ажмаъийн ибни Асадуллоҳул Ғолиб Али ибни Толиб» – дейилади.

Бу манбада келтирилган парчада Шайх Бурҳониддин Қилич номи зикр этилади. Ва у Етти туғ отанинг аждоди эканлиги эътироф этилади.

Хўш, Етти туғ оталар аждоди бўлган Шайх Бурҳониддин Қилич ким? Бурҳониддин Қилич номи кўп манбаларда учрайди. К. Каттаев «Махдуми Аъзам ва Даҳбед» китобида: «Кўп манбаларда Шайх Бурҳониддин Қилич деб номланган бу зотнинг отаси Саййид Камолиддин Мадинаи мунаввара шаҳрининг шарифла рида бўлиб, манбаларда келтирилишича, ногоҳон зоҳидлик талабида у ерлардан чиқиб Ўрта Осиё, Фарғона вилоятига келиб қолган. ...Мовароуннаҳр ҳукмдорлари уларни ўз паноҳига олишган. Масалан, Аббосийлар даврида, 850 йилда имомзода

Ҳасанул-Амир Самарқандга оиласи билан келганида бутун шаҳар аҳли пешвоз чиққан ва у ўн бир йилдан сўнг Балхга қайтиб кетган. Сомонийлар давлатининг асосчиси Исмоил Сомоний даврида (892-907) имомзода Амир Абдулло Бухорога келган ва кейинчалик подшоҳ Исмоил Сомонийнинг қизи Моҳ сиймога уйланган. Амир Темур Кўрагоний даврида унинг музофотида келган имомзода Мир Саййид Барака эса соҳибқиронга пир бўлган. ...Шулар каби XIII асрда Мадина шаҳридан Саййид Камолиддин ҳам Фарғонага келган ва Фарғона подшоси Султон илик Мозийнинг ёлғиз қизига уйланиб, кейинчалик ҳаж қилиш учун борганида Мадинада вафот этган. Султон Бурҳониддин Қилич мазкур Саййид Камолиддиннинг ёлғиз ўғли бўлиб, у ҳақда Темурий Бобурмирзо ўзининг «Бобурнома» асарида қуйидагиларни ёзган: «Бу табақа муқтадо ва шайхулислом ва қози бўлиб келгандурлар» ...Ўша даврларда Фарғона давлатининг маркази Ўзганд шаҳри бўлиб, унга Султон Илик Мозий подшоҳлик қилар эди... Султон Илик Мозий невараси Саййид Бурҳониддин 9 ёшга етгунга қадар унинг тарбияти билан махсус ажратилган муаллимлар шугулланишади ...Кўп ўтмай Султон Илик Мозий вафот этади ва унинг васияти бўйича (ўз ўғли бўлмаганлиги учун) қизининг ўғли саййид Бурҳониддинни Фарғона тахтига ўтқозишади. Шундан сўнг Султон Бурҳониддин анча вақт подшоҳ бўлиб, салтанатда адолат ўрнатади. ...Жоҳиллардан бир нечтаси ул зот ҳақида гийбат қилганларида, уларни ўз ҳузурларига таклиф этиб, шифтга соч толасига осилган жуда ўткир тигли қилични кўрсатган экан. Икки томонли тиги ўткирланган ва ойнадек мусаффо (ялтироқ) қилич шуъласига пашиша ва кўнғизлар ўзларини урар эди ва қилич тигига тегиб, икки бўлиниб ерга тушар ва ҳалок бўлар эди. Шунда Султон Бурҳониддин гийбатчиларга қараб: «Айтинглар қани,

айб шамширдами ёки кўнғизу пашишадами? Сизлар ўзларингизнинг айбингиз билан ўзингизни қиличга уриб, ҳалок бўласизлар!» – деган экан. Шу воқеа ҳам сабаб бўлиб Султон Бурҳониддинга «Қилич» лақаби қўшилган экан ...Шайх Бурҳониддин соҳиб каромат ва соҳиб мақомот арбоб сифатида ўз замонасининг қутбул-авлиёси ҳисобланган» – деб ёзади. Етти туғ (Мир Саййид Фатҳуллоҳ) аждоди Шайх Бурҳониддин Қилич XIII асрда яшаган. Чунки Шайх Бурҳониддин Қилич Соҳибқирон Амир Темур (1336–1405) ҳурматлаган пирларидан бўлган. Амир Темур Шайх Бурҳониддин Қилични тушида кўради. Ва Самарқандда касал ётган ўғли Жаҳонгир Мирзонинг соғлигига дуо қилишни сўрайди. Бу ҳақда ўша давр тарихчиси Шарафуддин Али Яздий «Зафарнома» асарида: «Ул фатҳ бўлгондин сўнг бир кеча шайх Бурҳониддин Қилични раҳматуллоҳ, тушида кўриб, шайхдин илтимос қилдиким, «Ўғлим Жаҳонгир Самарқанд ичиди хаста эрди. Анга дуо қилгил.». Шайх дедиларким, «Худойи била бўлгил» ва ўзга сўз демади. Тушдин уйғониб билдиким, шаҳзоданинг иши мушқил турур ...Шаҳзоданинг ёши йигирмада эди....Шаҳзоданинг вафот бўлгон торихи етти юз етмиш еттида лу йилда эрди. (1376 )» – дейилади. Тарихий манба «Зафарнома» асарига диққат қилинганда Шажарада Етти туғ аждоди сифатида тилга олинган Шайх Бурҳониддин Қилич Соҳибқирон Амир Темур мурожаат қиладиган пирларидан эканлиги аён бўлади.

Шайх Бурҳониддин Қилич авлодлари Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳам устоз – пирларидан бўлган. Бунга тарихий манба «Бобурнома» асари қуйидагича: «...Яна устод ва пиримдинким, Хожса Мавлонои қози бўлғай, бу навъ хатлар келиб, мундоқ эҳтимом била тилағайлар, не кўнгул била киши турғай... Хожса Мавлонои қозининг оти Абдуллодур. Бу от била машхур

бўлуб эди. Ота тарафиди насаби Шайх Бурҳониддин Қиличга мунтаҳи бўлур. Она тарафидин Султон Илик Мозийга етар. Фарғона вилоятида бу табақа муқтадо ва шайхулислом ва қози бўла келгандурлар. Хожя қозининг валилигида менинг ҳеч шакким йўқтур. Қайси ши валоятқа мундин яхишироқ далилдурким, аларга қасд қилгонлардин оз фурсатта осор ва аломат қолмади. Хожя қози ажиб киши эди. Қўрқмоқ анда асло йўқ эрди. Онча далер киши кўрилган эмас. Бу сифат ҳам валоят далилидур. Сойир эл ҳар неча баҳодир бўлса, андак дагдагаси ва таваҳҳуми бўлур. Хожяда асло дагдага ва таваҳҳум йўқ эди» – деб гувоҳлик беради.

Дарҳақиқат, Етти туғ шажараларида ҳам Етти туғ (Мир Саййид Фатхуллоҳ) ота тарафдан Шайх Бурҳониддин Қиличга: «Мир Саййид Фатхуллоҳ ибни шайхул-машойих Саййид Абдуллоҳилмусаммал машхури поянда Муҳаммад Сактарекий лақаби Зухриддин ибни Абулфазл дарвеш ибни Шарофиддин Хусайн ибни Саййид Камолиддин Хусайн Хоразмий Хоразмнинг машойихул кабир ва катта авлиёларидан эди. Ибни Шоҳобиддин Хусайн ибни Фахриддин Хусайн ибни Саййид Аҳмад ибни Шамсиддин Хусайн ибни Саййид Камолиддин ибни Саййид Бурҳониддин Қилич Ўзгандий, Ўзганки Фарғонага тобедир» – деб айтилса, она тарафдан Султон Илик Мозийга бориб етиши куйидагича айтилади: «Саййид Камолиддин Хусайн ҳазратлари ўн саккиз ёшларида Мадинаи мунавварадан тири комил талабида Андижон вилоятига келган эдилар. Ул диёрда султон Илик номли подшоҳ бор эди. Унга замон муқтадийлари ва вилоят аҳллари ва бошқалар бўйсунган эдилар...Подшоҳга Саййидулмурсалийн ва хотимун набий муроқабада башорат қилдилар: «Бизнинг фарзандларимиздан бири сизнинг вилоятингизга келди тарбия қилинг, ботиний ҳолидан огоҳ бўлинг ва қизингизни унга никоҳ-

лаб беринг» ...Шундан сўнгра подшоҳ юқоридаги башоратга кўра ўз қизини Саййидзодага никоҳлаб берди. Қизини исми Фотима Султон эди» – дейилади. Бурҳониддин Қилич ҳазратлари қадимда Фарғона вилоятига қараган Ўзганда дафн қилинганлар. У зотнинг яшаган жойлари ва мақбаралари ҳақида: «Ўзганд шаҳри Қора дарё бўйида жойлашган бўлиб, ўрта асрларда Ўш шаҳрининг 2/3 қисмига баробар келган. Дарё шаҳар дарвозалари ёнидан оқиб ўтган. Кўприк бўлмагани учун кишилар тўғри келган жойдан ўтишган. Қора дарё сувидан шаҳар ичига ариқлар қазилиб, деярли ҳар маҳаллада сув сероб бўлган...Қора дарё Қора-қулжа ва Тора ирмоқлари бирга қўшилган жойда Ўзганд пойидан оқиб ўтади. Шу сабабли уни «Ўзганд дарё» деб атайдилар...Айтилгани каби, мўғуллар келгунча қурилган мақбаралар, масжид ва миноралар Ўзганднинг X–XI асрларда гуллаб яшнаганини кўрсатади. Дахмаларнинг бири 588 ҳижрийда (1192 йилда) қурилганлиги ёзиб қўйилган. Унинг яқинида тагин бир мақбара ва минора қад ростлаб туради. Бу мақбараларда кимлар дафн этилганлиги ҳақида маҳаллий аҳоли ҳафизасида кўпгина ривоятлар сақланиб қолган. Нақлларда айтилишича, мақбарага муаррих Жамол Қарший тилга олиб ўтган аллома, фикҳшунос, пайгамбар йўлини даъват этишига сафарбар этилган авлиё Бурҳониддин Қилич Ўзгандий дафн этилган» – дейилади.

Етти туғ аждодлари ҳақида яна шажара: «Шу пайтда Саййид Абдулло Саййид Поянда Муҳаммад номи билан машхур зот Гиждувон туманига келган эдилар» ва яна: «Улар (Саййид Абдулло Саййид Поянда Муҳаммад ва Оқовандбегим)дан уч фарзанд бўлди, Мир Саййид Шариф, Мир Хусайн, Мир Саййид Фатхуллоҳ ва Сакторе кишлоғида маскан қилган Мир Саййид Фатхуллоҳ байтуллони тавоф қилишни кўнгилларига

келтирдилар ва аҳли биродарлари билан видолашиб, эҳром боғладилар» – дейилади. Шунга кўра биз Бухоро вилояти Гиждувон тумани Сакторе кишлоғига сафар қилдик. У ерда биз Сакторе қабристонини ва масжидини кўрдик. Ўша ерлик одамлардан «сакторе» деган атама маъносини сўраддик. Ҳасан Саййидахмедов: «*Сакторе*» – бу сад пирий, яъни юз пир дегани. Бу ерда Гиждувон пирлари яшаган» – деди. У ерда Сакторе кишлоғининг қадимий қабристонидан бўлдик. Қабристон кишлокдаги баланд тепалик устида жойлашган бўлиб, шу тепаликда пирлар дафн қилинган. Бу жойда қабрлар кўп бўлиб, катта-катта қабр тошлари мавжуд. Бу қабристонда ҳам тош ёзувлари очиқ ҳавода қолиб йиллар ўтиши билан ташқарида иссиқ-совуқ, қоруёмғирда хатлари ўчган, турли замонларда ағдар-тўнтар қилиниб синдирилган, ўринлари алмаштириб юборилган. Қабристондаги тепаликдан узоқ-узоқлар кўринар ва бу тепалик сад- (юз) пирлар дафн қилинган мўътабар жой эди. Сакторе кишлоғининг эски обидасига у ер ҳозир музей қилиб қўйилганлигини гувоҳи бўлдик. Музейда қўйилган нарсаларни кўздан кечирдик. У ерда қўйилган бир китоб эътиборимизни тортди. У ёзувчи Садриддин Айнийнинг ҳаёти ҳақида 1978 йил «Ирфон» нашриётида чикқан китоб эди. Китобда шундай дейилади: «Уруғ асосчиси Абу Абдулло Сактарий ёки уни аниқ қилиб айтганда Амир Саййид Абдулло Поянда Сурхинапуш Сактарий–сактарий хожалари билан боғлиқ бўлган. У (Саййид Абдулло) Шайбоний хонларнинг охирги учта вакили даврида истиқомат қилган. Ўша даврда юртга бостириб келганлардан бу юртни тарк қилишни талаб қилиб ёзилган ўткир шеърлар ҳам унга тааллуқлидир. Абу Абдулло (Амир Саййид Абдулло Поянда Сактарий) нинг ўғли–Мир Муҳаммад Ҳусайн Сактарий – «Жомеул-фазоил» асарини муаллифидир. Ва яна бошқа бир сўфийлик асари «Матла-ул-қабир» ҳам тўғрироғи унга

тегишлидир. Бу асар Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтида сақланади. Ёзувчининг бобокалони Саййид Аҳмадхожа сўфийликдаги Кубровия тариқатининг кекса намояндаларидандир. Бу китобдан ёзувчи С.Айний аждодлари Амир Саййид Абдулло Сактарийга бориб боғланиши маълум бўлди. Етти туғ ота шажараларида ҳам бу ҳақда: «Шу пайтда Саййид Абдулло Саййид Поянда Муҳаммад номи билан машҳур зот Гиждувон туманига келган эдилар» ва яна: «Улар (Саййид Абдулло Саййид Поянда Муҳаммад ва Оқовандбегим)дан уч фарзанд бўлди, Мир Саййид Шариф, Мир Ҳусайн, Мир Саййид Фатхуллоҳ ва Сакторе кишлоғида маскан қилган Мир Саййид Фатхуллоҳ байтуллони тавоф қилишни кўнгилларига келтирдилар ва аҳли биродарлари билан видолашиб, эҳром боғладилар» – дейилади. Шажарада кўриниб турибдики, Мир Саййид Шариф, Мир Ҳусайн ва Мир Саййид Фатхуллоҳ ака-ука ва улар Амир Саййид Абдуллонинг фарзандларидир. Шу ўринда Амир Саййид Абдуллонинг ким деган саволга эътиборимизни қаратсак. Амир Саййид Абдулло Саййид Бурҳониддин Қилич Ўзгандий авлодидандир. У зот халқ орасида шайх (Абдулло) поянда унвони билан аталганлар. Бу ҳақда шажарадаги қуйидаги мисралар гувоҳлик беради:

Номи унинг шайх поянда,  
Ҳақ йўлин кўрсатар намоянда.  
Таҳсил олганди илму қолдан,  
Дарс берар эди илму ҳолдан.

Шайх (Абдулло) поянда Туркистон томондан Гиждувон туманига келадилар. Шажарада: «...Амир Саййид Абдулло Саййид Поянда Муҳаммад номи билан машҳур зот Гиждувон туманига келган эдилар ва у жаноб илм аҳлининг шами шабистони ва дин аҳлининг муқтадоси ва ҳазрати Саййид Бурҳониддин Қилич Ўзгандий авлодидан эдилар» дейилади. Саййид

Абдуллонинг лақаблари Мир Араб бўлиб, у зот Шайбонийлар хони Убайдуллахон даврида яшаган. Мир Саййид Абдулло ўз даврида ижтимоий масалаларда ўткир шеърлар ёзган. Бу ҳақда Садриддин Айнийнинг ҳаёти ҳақидаги «Ирфон» номли китобда: «Уруғ асосчиси Абу Абдулло Сактарий ёки уни аниқ қилиб айтганда Амир Саййид Абдулло Поянда Сурхинапуш Сактарий–сактарий хожалари билан боғлиқ бўлган. У (Саййид Абдулло) Шайбоний хонларнинг охириги учта вакили даврида яшаган. Ўша даврда юртга бостириб келганлардан бу юртни тарк қилишни талаб қилиб ёзилган ўткири ижтимоий шеърлар ҳам ун(Саййид Абдулло)га тааллуқлидир» дейилади. Тарихдан маълумки, Убайдуллохон даврида Эрон шоҳ Исмоил Сафавийнинг аскарлари Бухоро томон келиб, Ғиждувонни қамал қилади. Шу пайтда Саййид Абдулло Туркистондан Ғиждувон туманига келадилар. Ўша давр адаби ва тарихчиси Зайниддин Восифий «Бадоеъул-вақоеъ» асарининг 38-бетида: «Султонлар нақибидан Амир Араб лақабли амир Саййид Абдулло Туркистон вилоятидан Бухорога келадилар. У киши Убайдуллахон билан кўришганларида у инони ихтиёрни қўлдан бериб, ғоятда бедил бўлди. Шунда у киши дедилар: «Эй фарзанд, сизга не бўлди... Убайдуллахон деди: «Эй маҳдум, шу нарса ҳақки, бу жамоа лашкари сони саксон мингдан ортади. Лашкаримиз озлиги сизга маълум». Амир Араб дедилар: «Қуръонда айтилганки, кўпинча кичик гуруҳ катта гуруҳ устидан ғалаба қўғонади. Бадр жанги воқеасини олий мартабали ҳимматингиз назарида тутинг ва ўртанманг». Шу ҳикоят устига хабар келдики, душман Қаршини олиб, ялпи қирғин қилмоқда. Убайдуллахон йиғламоққа тушди ва деди: «Эй маҳдум, бу жамоага қандай қарши туриб бўлади?» Амир Арабнинг ғзаби қайнаб, деди: « Ҳозирок тараддудингизни кўрингки, ул жамоа мағлуб бўлғуси.

Чунки зулму бедодлик олий даражасига етдими, унга завол ҳамроҳ бўлади. Бу улар зулмининг энг ниҳоясидир» дейилади (Восифий. Зайниддин. Бадоеъул-вақоеъ. Ғ.Ғуллом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1979). Саййид Абдулло ўзининг ўткир ижтимоий шеърлари билан Эрон саркардаси Нажми Соний (Нажмиддин Ёр Аҳмад Исфажоний)дан бу юрт (Бухоро)ни тарк қилишни талаб қилиб шеърлар ёзади. 1512 йилда Эрон қўшини Убайдуллохоннинг тўсатдан ҳужумидан мағлубиятга учради. Убайдуллахон урушда қўлга киритилган катта миқдордаги ўлжани Шайх Саййид Абдуллога инъом қилади. Шайх Абдулло Убайдуллохон инъом этган маблағ ҳисобига Бухородаги Мир Араб мадрасасини қурдиради. Бу ҳақда «Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 5-том, 689-бети»да: «Мир Араб-Бухородаги меъморий ёдгорлик. Бухоро хони мумтоз шоир Убайдуллахон инъом этган маблағ ҳисобига Шайх Абдулло томонидан қурилган(1530-36). Мир Арабнинг асл исми Саййид Абдуллоҳ. Амир 22 ёшида Самарқандга келиб Хожак Аҳрорга шогирд тушади. Туркистоннинг Саброн(Саврон)ида 2 кориз(ер ости ариғи) қазилган, сув чиқарган, қалъа бино этиб, Шоффрикон, Вобкент, Ғиждувонда кўп жойларни обод қилган(Шоффриконда Мир Араб қалъаси сақланган). У нақшбандия тариқатининг ривожланишига катта ҳисса қўшган. Мадраса қурилишини ниҳоясига етказмаган, 1536 йил бошида Мир Араб вафот этган ва унинг васиятига кўра куёви Шайх Закариё қурилишни охирига етказган. ...Мадраса Минораи калоннинг қаршисида жойлашган. Бош тарзи улкан пештоқли, дарвозаси орқасида 5 гумбазли миёнсарой икки ёнида баланд гумбазли кенг дархона ва масжид, гўрхона жойлашган. Кошинкори нақшлар ёзувлар билан уйғунлашган(сақланмаган). ...Гўрхонада Убайдуллахон (1537 й.в.э.)нинг ёғочдан хотамкори усулида ишланган сағанаси ва Мир Араб, унинг



қариндошлари қабрлари бор» дейилади. (Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Тошкент. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти. 2003). Амир Саййид Абдуллонинг ўғли Мир Саййид Фатхуллоҳ эса ҳаж ниятида йўлга чиқиб, ҳаждан қайтишда Патрон қишлоғида истикомат қилиб қолганлар.

Ҳамсафаримиз Иброҳим Муҳаммадиев: «*Патрон қишлоғидаги Етти туғ (Мир Саййид Фатхуллоҳ) асли Бухоронинг Ғиждувонидандирлар. У зотнинг икки акалари бўлган. Бир акалари Мир Ҳусайн бўлиб, ёзувчи Садриддин Айний аждоди бўлади. Иккинчи акалари Мир Саййид Шариф бўлиб, у таниқли давлат арбоби Файзулла Ҳўжаевлар аждоди ҳисобланади*» – деди. Музейдаги китоб билан Етти туғ ота шажарасини таққослаганимизда бизга Етти туғ ота ва у зотнинг уруғ-аймоғлари ҳақида маълумотларга эга бўлдик.

Биз Етти туғ шажараларида кўрсатилган аждод-авлод силсиласи бўйича Самарқанд вилоятига сафар қилдик. Етти туғ ота шажараларидаги аждодларга эътибор берадиган бўлсак, Самарқанднинг Даҳбедидаги Маҳдуми Аъзам билан Етти туғ ота (Мир Саййид Фатхуллоҳ) Шайх Бурҳониддин Қиличнинг авлоди эканлиги маълум бўлади. Таниқли олим тарих фанлари доктори Убайдулла Уватовнинг «Ўзбекистон – буюк алломалар юрти» асарида: «*Маҳдуми Аъзам XV – XVI асрларда ўтган йирик мутасаввиф, нақибандия тариқатининг назариётчиси ва давомчиси, файласуф ва ахлоқшунос олим, фақиҳ ва таъсир доираси кучли сиёсий арбоб... Мутафаккирнинг тўлиқ исмишарифи – Саййид Аҳмад ибн Мавлоно Жалолиддин Ҳожаги Косоний - Даҳбедий Маҳдуми Аъзам (1461 – 1542). Бу исмдаги «Маҳдуми Аъзам» устози Мавлоно Муҳам-*

*мад Қози томонидан айтилган тахаллуси бўлиб, «улуг маҳдум», «устозларига садоқатли шогирд» маъноларини беради. Маҳдуми Аъзам ислом оламида ўтган учта буюк Аъзамлардан бири эканлигига ҳам ишорадир. Улар: «Имоми Аъзам, Ғавсули Аъзам ва Маҳдуми Аъзам» дирлар. Маҳдуми Аъзам 866 / 1461 йили Фарғонанинг қадимий пойтахти бўлган Косон кентида туғилган. ...Маҳдуми Аъзам 949 / 1542 йил 8 май душанба куни Самарқанд шаҳридан шимол томонда жойлашган Даҳбед қишлоғида вафот этган. Унинг васиятига кўра, ўзи яратган бознинг ўртасидаги мурут (нок) дарахти остида дафн этилган. ...Маҳдуми Аъзам ётган қабр атрофида унинг яқин кишилари, фарзандлари, неваралари, муридлари ва Маҳдуми Аъзамга қўл берган шоҳ ва султонлар, маликалар ҳам дафн этилган. Жумладан, Самарқанд султони, Шердор ва Тиллакори сингари обидаларни қурдирган Ялангтўш Баҳодирнинг ҳам қабри шу жойда» – деб ёзади. Етти туғ ота шажарасида: «*Шу пайтда Саййид Абдуллоҳ Саййид Поянда Муҳаммад (Етти туғ ота оталарининг исми) номи билан машҳур зот Ғиждувон туманига келган эдилар ва у жаноб илм аҳлининг шами шабистони ва дин аҳлининг муқтадоси ва ҳазрати Саййид Бурҳониддин Қилич Ўзгандий авлодидан эдилар*» – дейилади. Шажарада берилган маълумотларга кўра Етти туғ (Мир Саййид Фатхуллоҳ) ота аждодларини қуйидаги кўринишга келтириш мумкин:*

1. Мир Саййид Фатхуллоҳ.
2. Саййид Абдуллоҳ Муҳаммад Поянда.
3. Абул-Ғазаларвейш.
4. Шарофиддин Ҳусайн.
5. Саййид Камолиддин Ҳусайн Хоразмий.
6. Шоҳобиддин Ҳусайн.

7. Фахриддин Хусайн.
8. Саййид Аҳмад.
9. Шамсиддин Хусайн.
10. Саййид Камолиддин.
11. Саййид Бурҳониддин Қилич Ўзгандий.

Етти туғ ота аждодларининг бу силсиласини Махдуми Аъзам аждодларининг куйидаги силсиласи билан солиштирамиз. «*Ҳазрати Махдуми Аъзам (асл исми Саййид Аҳмадхожа Косоний) 1461 йилда Фарғона водийсининг Косон шаҳрида Саййид Жалолиддин ибн Жамолиддин Косоний оиласида дунёга келади... Ҳазрати саййид Аҳмад-Махдуми Аъзам бин Саййид Жалолиддин бин Саййид Бурҳониддин Хожам бин Саййид Амир Мажнун бин Саййид Бурҳониддин Қилич бин Саййид Камолиддин бин Саййид Жалолиддин бин Шоҳ Хусайн бин Саййид Ҳасан бин Саййид Муҳаммад бин Саййид Аҳмад бин Саййид Абдуллоҳ ал-Афзал бин Саййид Абдуллои Акмал бин Саййид Абу Толиб хужжатуллоҳ Саййид Муҳаммад Али бин Ҳазрати имом Али Мусо ар-Ризо бин Ҳазрати имом Мусо Козим бин Ҳазрати Жаъфари Содиқ бин Ҳазрати Муҳаммад Боқир бин Ҳазрати Имом Зайнул-Обидин бин Ҳазрати Имом Хусайн бин Ҳазрати Али ва Фотимаи Заҳро (р) Ҳазрати – Муҳаммад мустафо саллоллоху алайҳи васаллам» – деб келтирилади.*

Бундан Махдуми Аъзам аждодлари силсиласи куйидаги кўринишга келади:

1. Махдуми Аъзам.
2. Мавлоно Жалолиддин.
3. Саййид Жамолиддин.
4. Саййид Бурҳониддин хожа.
5. Саййид Амир Мажнун.
6. Саййид Бурҳониддин Қилич.

Етти туғ ота (Мир Саййид Фатхуллоҳ) Саййид Бурҳониддин Қиличга 11 бўғинда туташса, Махдуми

Аъзам у зотга 6 - бўғинда бориб туташади. Демак, бу икки зот Махдуми Аъзам ва Етти туғ ота Шайх Саййид Бурҳониддин Қиличнинг авлодларидан эканлиги маълум бўлади. Патрон қишлоғида яшовчи Муқимов Шодмон: «*Шажара бўйича Самарқанднинг Даҳбедида Махдуми Аъзамнинг мақбарасини зиёрат қилдик. Тарихдан маълум Хожа Исмоли Жўйбори, Бобораҳим Маширабнинг устози Ҳидоятullo Офоқхўжа, Лутфулло Чустий, Саййиди Аҳмади Косоний, Алихонтўра Соғунийлар Ҳазрати Махдуми Аъзам(асл номи Саййид Аҳмадхожа Косоний) нинг шогирдлари ва фарзандлари бўлишганликларини ва Ҳазрати Махдум Аъзам эса Етти туғ ота (Мир Саййид Фатхуллоҳ)нинг амаки жамоатларидан эканликларини аниқладик. Ҳазрати Махдуми Аъзам ўзлари яхши кўрган нок дарахтининг остида кўмилган эканлар. Махдуми Аъзам Самарқанддаги Шердор мадрасасини қурган Ялангтўш Баҳодирнинг пири ҳисобланади. Самарқанд ҳокимларидан бўлган Ялангтўш Баҳодир васиятида: «Мени пириим Ҳазрати Хожа Ҳошими Даҳбедийнинг оёқ томонларига кўмингиз; пириимни зиёратга келувчилар менинг қабримни босиб ўтишсинким, мен пириимга ярашгулик унчалик хизмат қила олмадим,» – дейди.*

Дарҳақиқат, Махдуми Аъзам ва Етти туғ ота бир-бирлари билан чамбарчас боғлиқ, бир зиё булоғидан тарқалган нурлар эканликларига амин бўламиз. Ва яна шажарада: «Жадди бузрукворларининг ишорати билан Саййид Зиёвуддин Ҳисор вилоятига бориб ва у ерда истиқомат қилиб қоладилар. Ҳисор вилоятининг Пистамозор номли жойида дафн қилинганлар. Саййид Низомиддин Кўлоб вилоятига жўнатилганлар ва у вилоят аҳлининг муқтадоси эдилар, авлодлари ҳам ўша ерда» – дейилади Биз Саййид Низомиддин ва у

зотнинг авлодлари тўғрисида шу авлоддан бўлган Иброҳим Муҳаммадиев: «Саййид Низомиддин дин пешвоси сифатида ўша вақтларда Бухоро Амирлигига қараган Кўлоб вилояти Меҳтархона қишлоғига борганлар. У зот у жойга бориб истиқомат қилганлар. У киши номи билан боғлиқ бўлган масжид ҳозир ҳам мавжуд. Аммо у жой у зотнинг қадамжоларидир. У ерда қабрлари мавжуд эмас. Ўзларининг васиятларига кўра катта падарлари равзасига, яъни Падарон қишлоғига олиб келиб дафн қилинганлар. Йўл узоқ бўлганлигидан жасадни янги сўйилган ҳўкиз терисига ўраб олиб келинганлиги ривоят қилинади. Бу жасад солинган тобут узоқ падарлари манзилига сафар қилганлиги учун Меҳтар қишлоғида халқ Саййид Низомиддинни «Баландпарвоз» нисбати билан атайдилар. Саййид Низомиддиннинг ўғиллари Саййид Мухриддин (куниёлари Ғани Маҳдум), у зотнинг ўғиллари Саййид Мирзо Умар, у зотнинг ўғиллари Саййид Шоҳ Камолиддин, у зотнинг ўғиллари Саййид Мирзо Иброҳим. Саййид Мирзо Иброҳимнинг учта ўғиллари бўлди. Улар: Саййид Сирожиддин, Саййид – Қорихон – Эшон, Саййид Ҳабибулло. Саййид Сирожиддиннинг учта ўғиллари бўлди. Улар: Саййид Садриддин Қози, Саййид Хожа Муҳаммад, Саййид Қамариддин. Саййид Қорихон Эшоннинг тўртта ўғиллари бор эди. Улар: Саййид Умар, Саййид Нуриддин, Мухторхожа, *Парсохон. Саййид Ҳабибуллонинг бешта ўғиллари бор эди. Улар: Мир Саййид Саъдулло, Шайдохон, Каромиддинхон, Саййид Фатхуллоҳ, Саййид Абдуллоҳ*» – дейди. Демак, ўз замонасида Етти туғ ота авлодлари Кўлоб вилоятига пиру муршидлик учун ҳам юборилган эканлар.

Етти туғ мақбараларидан 20км ғарб томонда Фазли қишлоғи жойлашган. Касби туманининг қадимги қишлоқларидан бири Фазли қишлоғидир. Фазли

қишлоғи ўз номи билан «Файзли» бир юртдир. Бу қишлоқда Етти туғ ота авлодларидан бўлган Мир Саййид Парсонинг авлодлари яшайди. Бу авлоднинг Фазли қишлоғига қандай бориб қолганлиги тўғрисида Омонхон Тилаватов: «Патрон қишлоғининг эски номи Кўхнабоғ бўлса, Фазли қишлоғининг эски номи Кўхнафазли бўлган. Эскидан бу икки қишлоқ ўртасида қандайдир боғлиқлик бўлган. Кўхнафазлида масжид бўлган, унда бутун Фазли аҳолиси ўзларининг баъзи бир муаммоларини ечиш учун йиғилиб туришган. Ана шундай йиғилиш пайтида от билан Патрон қишлоғидан Мир Саййид Парсо келиб қолганлар. Одамларни масжиддан ташқарига чиқишга буюрганлар, одамлар барчаси ташқарига чиққан пайтда масжид биноси қулаган. Ва У зотнинг кароматлари билан Фазли халқи омон қолади. Фазли халқи омон қолганликлари учун Мир Саййид Парсодан миннатдор бўлишган. Ва у кишига қўл бериб мурид тутинишган. Фазли халқи кароматли пир Мир Саййид Парсодан Фазли қишлоғида қолиб, уларга пир бўлишни сўрашади. Аммо Мир Саййид Парсо ўзлари падарлари юрти (Патрон қишлоғи)да кўним топганликларини айтиб, уларга пиру муршидлик учун фарзандларидан беришни айтадилар. Ва фарзандларим тириклиги сизлар учун, аммо суяги меники, деган эканлар Ана шу туфайли Етти туғ ота авлодлари Фазли қишлоғига келиб қолганлар. Улар шу ерда яшашади, аммо вафот этганларида жасадлари падарлар юрти, яъни Патрон қишлоғига олиб бориб қўйилади» – дейди. Ҳақиқатдан ҳам, биз қадимги қўлөзма шаражани ўқисак, бу нарсани гувоҳи бўламиз. Шажарада: «Жумъа кунларининг бирида муаззин азон айтмасдан мууроқабада эшони Мир Саййид Парсога маълум бўлдики, Фазли қишлоғи масжиди қулаш арафасида. Шунда у жаноб бошларини кўтариб сўфиларига: – Фазли мавзеига борамиз – деб буюрдилар ва Фазлига жўнайдилар. Ўша пайтда аҳли

Фазли масжидда йиғилиб туришган бўлиб, пирни кўриб уни қаршилагани барчалари чиқишганда масжид ўрнига қулаб тушди. Пирнинг зиёратига чиққан Фазли халки бирор зарар кўрмасдан муқаррар ҳалокатдан омон қолдилар ва улар буни пирнинг каромати билиб, балодан олиб қолган пиру комилга барчалари мурид бўлдилар» – дейилади. Биз Етти туғ авлодлари яшаётган Касби тумани Фазли қишлоғига бордик. Кўҳна Фазли қадимий Базда мавзеида жойлашган. Бу тўғрида таниқли олим П.Равшанов: «...Қадимий Базда харобалари Кўҳна Фазлига тўғри келади. Кўҳна Фазли эса Насаф 40 қақирим жануби-ғарбдир. Базда, шу тарихқа, эрадан аввалги 1 асрларда пайдо бўлиб, ўрта асрларда йирик шаҳар даражасига кўтарилади. У, «нафақат йирик шаҳар ва савдо маркази эди, шу билан бирга, шубҳасиз, водий чегарасидаги қалъа вазифасини ўтаган» ...Кўҳна Фазли Келифдан Бухоро ва Насафга элтадиган карвон йўлига жойлашган эди» – деб ёзади. У ерда кўҳна обидалар ва қабристонларни кўздан кечирдик. Ва Кўҳна Фазли билан Етти туғ падарлар яшаган Кўҳна боғ мавзеи қадимдан бир-бири билан ўзаро боғлиқлик жиҳатлари борлигига гувоҳ бўлдик. Етти туғ шажараларида зикр қилинган шахс, жойлар ҳақида қўшимча маълумотларга эга бўлиш учун тарихий манбалардан изландик, турли жойларга сафар қилдик.

Шажаранинг уч жойида ўша давр подшоҳлиги муҳри мавжуд. У муҳрда ҳижрий йил ҳисоби билан 1277 йил ифодаланган. Шажарада 261 кишининг номи тилга олинади. Улардан ўн киши имом, 17 киши эса султон, 14 амир, 8 киши саййид, 2 киши малик дейилади.

Етти туғ ота шажаралар фақат авлод-аждодлар баёнидан иборат эмас. Балки унда тарихий, географик маълумотлар ҳам мавжуд. Масалан: *Етти туғ шажараларида жаъми 22 географик номлар: Макка, Мадина, Карбало, Ироқ, Қумшаҳри, Фарах, Бухоро, Ғиждувон, Сактаре қишлоғи, Балх, Насаф, Ҳисор,*

*Пистамозор, Қўлоб, Қундуз, Ўзганд, Андижон, Фаргона, Хоразм, Ҳиндистон, Қашқадарё вилояти Деҳқон-ободдаги Чак-Чак тилга олинади.*

Хулоса қилиб айтганда, қадимий кўлёмалардан бири бўлган Етти туғ ота шажараси муҳим тарихий манба ҳисобланади. Шажарани ўрганиш ўтган аждодларимизнинг кимлиги ва уларнинг эзгу ишларидан бизни хабардор қилади. Ўлкамиздаги қадимий жойлар ва таниқли кишилар ҳақидаги маълумотларимизни бойитади. Бу эса келгуси ишларимизда ўз манфаатини беради деган умиддамиз.

### **Етти туғ ота мақбарасидаги қабрлар (Шажара асосида)**

Етти туғ ота мақбараси алоҳида девор билан ўралган ҳовлидан иборат. Ҳовлида Етти туғ ота ва у зотнинг фарзандларига тегишли қабр мавжуд. Етти туғ ота мақбарасидаги қабрларни шажара асосида қуйидагича баён қилиш мумкин.

Энг биринчи қабр Мир Саййид Фатхуллоҳ жанобларига тегишлидир. Зеро, шажарада: *«Ул жаноб бу ерга келдилар, хонақоҳ бино қилдилар ва шу ерда истиқомат қилишни ихтиёр қилдилар, алҳол ул жаноб хонақоҳнинг шарқий томонида дафн қилинганлар»*, дейилади. Мир Саййид Фатхуллоҳдан кейинги қабр Мир Саййид Исҳоқ ва Мир Саййид Абу Туробга тааллуқлидир. Шажарада: *« Мир Саййид Фатхуллонинг икки ўғиллари бор эди. Уларнинг ҳар бири ўз замонасида илму зоҳирий ва илму ботиний билимдонларидан эди. Улардан бирининг исми Мир Саййид Исҳоқ ва иккинчисининг исми Мир Саййид Абу Туроб»* – дейилади. Шажарадан маълумки, Мир Саййид Абу Туробнинг тўрт ўғиллари бўлиб, бири саййид Низомиддин Ҳисор вилоятига кетганлар. Шажарада: *«Жадди бузрукворларининг ишорати билан Саййид Зиёвуддин Ҳисор вилоятига бориб ва у ерда истиқомат қилиб қоладилар. Ҳисор вилоятининг Пистамозор*

номли жойида дафн қилинганлар», – дейилади. Мир сайид Абу Туробнинг бошқа фарзанд лари Саййид Асадулло Қундуз вилоятига кетганлар ва ўша ерда дафн қилинган. Шажарада: «*Мир Саййид Асадулло Қундуз вилоятига жўнатилганлар ва шу ерда дафн қилинганлар*» - дейилади. Бу иккаларининг қабри макбарада йук. Мир Саййид Исҳоқ ва Мир Саййид Туробдан кейинги қабрлар Саййид Низомиддин ва Саййид Муртазолар қабридир. Саййид Низомиддин ва Саййид Муртазоларни макбарада дафн қилинганликлари тўғрисида шажарада: «*Муридлар Саййид Низомиддин ҳазратлари жасадини жадди бузрукворлари равзасини қибла томонига дафн қилишди*», – дейилади ва Яна: «*Мир Саййид Муртазо жадди бузрукворлари равзасининг қибла томонига дафн қилинганлар*» – дейилади. Шажарада юқоридаги беш қабрда дафн кишилар аниқ кўрсатилган. Аммо олтинчи ва еттинчи қабрда дафн қилинган қилинганлар шажарада аниқ кўрсатилмаган. Олтинчи ва еттинчи қабрдаги кишилар тахмин қилинади, холос. Макбарада кароматли зотлар қўйилган деган нуқтаи назардан шажарага эътибор берадиган бўлсак, бу зотлар Мир Саййид Парсо ва Мир Бузруклар бўлиши мумкин. Мир Саййид Парсо ҳақида шажарада: «*Мир Саййид Исҳоқнинг бир ўғиллари бор эди. У фарзанд ўз замонасининг комилу мукаммали эди. Исми мубораклари эшони Мир Саййид Парсо эди. У муришиди завснинг кўрсатган валийлик кароматлари. Жумъа кунларининг бирида муаззин азон айтмасдан муракбада эшони Мир Саййид Парсога маълум бўлдики, Фазли қишлоғи масжиди қулаш арафасида. Шунда у жаноб бошларини кўтариб сўфийларига: – Фазли мавзеига борамиз-деб буюрдилар ва Фазлига жўнадилар. Ўша пайтда аҳли Фазли масжидда йиғилиб туришиган бўлиб, пирни кўриб уни қаршилагани барчалари чиқишганда масжид ўрнига қулаб тушди.*

*Пирнинг зиёратига чиққан Фазли халқи бирор зарар кўрмасдан муқаррар ҳалокатдан омон қолдилар ва улар буни пирнинг каромати билиб, балодан олиб қолган пиру комилга барчалари мурид бўлдилар*», – дейилади. Еттинчи қабр шажарада кейинги эътиборли зот Эшони Мир Бузрук ҳазратларидир. Шажарада: «*Билсинларки, Мир Саййид Муртазонинг уч ўғиллари бор эди. Улар учаласи ҳам ўз вақтида комил ва мукамал инсонлар эдилар. Улардан бирининг номи эшони Мир Бузрук, яна бирининг номи Саййид Жалолиддин эди. Саййид Жалолиддин Каъбаи Муаззамани тавоф қилишни ирода қилдилар ва эҳром боғлаб Байтуллони тавоф қилишга мушарраф бўлдилар. Байтуллодан қайтишда Ҳиндистон вилоятига тўхтаб, шу ерда истиқомат қилиб қолдилар ва ўша жойда вафот этдилар. Ҳозирда у вилоятни Саййид Жалолиддин Бухорий вилояти дейишади*» ва «*Саййид Мир Бузрук авлодлари баёнида*», – дейилади. Макбарадаги қолган қабрлар бир аёл ва бола ва яна бошқа қабрлар Мир Саййид Фатхуллоҳ авлодларига тегишли бўлган зотлар Қабрларидир. Бошқа макбараларда бўлганидек, Етти Туғ ота зиёратгоҳида ҳам қабр ёзувлари мавжуд. Бу қабр тошлари зиёратгоҳнинг ўзига хос ёзма манбаларидан бири ҳисобланади. Қабристонда йигирма бешдан кўпроқ қабр тоши бўлиб, йиллар ўтиши билан ташқарида иссиқ-совуқ, қор-ёмғирда хатлари ўчган, турли замонларда ағдар-тўнтар қилиниб синдирилган, ўринлари алмаштириб юборилган. Қуйида Етти туғ ота зиёратгоҳида мавжуд бўлган ўқиш имкони бўлган қабр тошлардаги ёзувларни келтирамиз:

1. Ул билур қадри азизларни агар бўлса расо,  
Билмагай қадрин булар.....
2. Феъли хўйи мисоли раъно,  
Тилларига мудом ҳамду сано.  
Ишлари доим эрди роҳатда.

*Отлари халқ орасида Шоҳ-зиё.*

*3.Нури дийдам васфин айтсам, айлама ҳаргиз ҳасад.*

*Исми поки халқ орасида эди Саййид Асад.*

*Етти туғ ота мақбараларида дафн қилинган  
зотларга атаб Самарқанд вилояти Сиёб туманида  
туғилган шоира Шахло Муҳаммадиева қўйидагича  
шеър ёзади:*

*Етти туғда аждодларим топган макон,*

*Мангуликнинг маконидир, ошёнлари.*

*Етти туғда ётар етти шайхул ислом,*

*Томиримда мавж уради туғёнларим.*

*Сарчашмамсан, азиз бобом Мирфатхуллоҳ.*

*Саййид Исҳоқ, Абу Туроб нури Оллоҳ.*

*Патрон узра йўлим тушса бир бор ногоҳ,*

*Тавоф қилдим хоки пойинг, Султонларим.*

*Зиёвуддин, Асадулло боболарим,*

*Ҳақ йўлида чеккан жабру жафоларим.*

*Муртозахон тариқатнинг шоҳи эди,*

*Тобутига кийик ҳамроҳ бўлгонларим,*

*Низомиддин яшаб ўтди Балжувонда,*

*Муридлари бисёр эди Фарм, Хатлонда.*

*Пирин қабрин излаб келар биз томонга,*

*Хожасини йўқлаб излаб келгонларим.*

*Ғузорни-ку ололмаган бий Раҳимхон,*

*Муҳиддинхон Қўлобдан шаҳд етиб келган.*

*Ғазовотдан сулҳ йўлини афзал билган,*

*Хонга эмас сизга сажда қилгонларим.*

*Шажарангиз буюкдир, тарих олис,*

*Ҳассос шоир эди Ботирхон – Холис.*

*Аҳли илм шеърин ўқиб қурар мажлис,*

*Сибирларда дом-дараксиз кетгонларим.*

*Муҳаммадга қондош бўлган оҳ саййидлар,*

*Нур ёгилсин қабрингизга оҳ саййидлар.*

*Бағишлади Шахло сизга шеър-байтлар,*

*Боболарим, бордир ёзар дostonларим.*

## ХУЛОСА

Етти туғ ота шажараси билан танишар эканмиз, Етти туғ отанинг кимлигини, уларнинг олиб борган ишларини биламиз. Шажараларда берилган яхши инсонларнинг фазилатлари, уларнинг ватанга муҳаббат, меҳнатсеварлик, халқ манфаатлари учун доимо хизмат қилиш, қўлидан келгунча яхшиликда бардавом бўлишлари каби инсоний фазилатлари юртимиз фуқаролари учун ибрат намунаси бўлади. Жамиятимиздаги ёшлар учун эса катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлади. Шажара ёшларимиз учун ибрат ва тарбия дарслиги бўлиб, улар ундан кимдан ўрнак олиш ва кимга танқидий ёндашиш учун хулосалар чиқаришда фойдаланадилар. Бу эса бизни яхшиликка хизмат қилишга, ватанни севишга, маънавиятимизни бойитишга, келажак авлодни юртга, ватанга бўлган муҳаббат руҳида тарбиялаш, улар қалбига келажакка ишонч туйғусини олиб киришга ва уларда инсонпарварлик, мардлик, сабот-матонат, адолат ҳиссини тарбиялашга хизмат қилади.

## ИЛОВА

### Устоз ибрати

Бир куни шогирд касал ётган устозини кўргани борибди.

– Ассалому алайкум, устоз!

– Ваалайкум ассалом, деб очик чехра билан шогирдини қабул қилибди устоз.

– Устоз, анча тузалиб қолдингизми?

– Раҳмат, анча соғайиб қолдим. Бир оз хол-аҳвол сўраб, суҳбатлашгандан кейин шогирд кетишга изн сўрабди.

– Майли сизга рухсат, аммо ҳаққимизга бир дуо қилинг, – дебдилар, шунда шогирд:

– Устоз сизга Аллоҳ шифои комил берсин, келгуси жума намозни бирга ўқишга муваффақ қилсин, – дебди. Ўз навбатида шогирди ҳам дуо сўрабди. Устоз дуо қилиб:

– Аллоҳ сизни имони комилга ва амали солихга муваффақ этсин, – дея дуо қилиб, охирида ўзлари ҳақида: «Эй Аллоҳ мени вақти яқинлашиб қолган пешин намозига етказгин», деган эканлар. Шунда шогирди:

– Устоз, мен Аллоҳдан бир-неча кун бор жума намозларининг ибодатига етказ деб сўрадим. Сиз эса вақти яқинлашиб келаётган пешин намозига етказишини сўраб дуо қилдингиз. Бу билан менга ибрат кўрсатдингиз, – дебди ва қўшимча қилиб:

– Эй Аллоҳ барчамизни яқинлашиб келаётган пешин намозига етказгин, – дебди.

### Мураса

Ҳовлида болаларнинг чумоли инига сув қуйиб, уларни ўлдиришаётганини кўриб қолдим.

– Ҳой болалар, тўхтанглар! Чумолилар сизга нима ёмонлик қилди? – дея тўхтатдим уларни.

– Ҳовлимизга чумолилар уй қуриб олишиб, ўйинимизга ҳалакит беришяпти, – деди бири.

Болалар, мана бу чумолини бармоғим билан эзиб ташлаш мен учун қийин эмас, аммо мен уларни яратган Зотдан ва охирагдаги ҳисоб-китобдан кўрқиб уларга тегмайман. Келинглар, сизлар ҳам шундай қилинглар, чумолилар билан орангизда мурасага жой қолдиришлар, – дедим.

Болаларга бу маъқул келди, шекилли, уни тасдиқ қилгандай боғ томон чопиб кетишди.

### Икки шиша ёқилғи

Ярим кечаси сафардан қайтаётган эдик. Машинамиз ёруғида бир эркак аёли ва болалари билан машинаси ёнида туриб, ёқилғи сўраб кўл кўтаргани кўринди. Тезлик катта – ўтиб кетдик. Ҳаммамиз тезроқ уйимизга етиб олишни ўйлардик. Бир оздан сўнг ҳайдовчимиз Муҳсин ака машинани тўхтатиб, орқага бурди. Ҳайрон бўлиб; «Қаёққа? деб сўрадик. Муҳсин ака: «Аллоҳдан уялдим», деди. Сўнг сўзини давом эттирди:

«Йўлда, ярим кечаси ёлғиз қолиб биздан ёрдам сўрашди. Биз эса бепарво ўтиб кетдик. «Эртага қиёматда мен ҳам аро йўлда қолиб, Аллоҳга илтижо қилсам-у, У Зот мениям бепарво қолдирса-я деган, кўрқинчли фикр ҳаёлимдан ўтди. Келинглар, шу биродаримизга Аллоҳ учун берайлик».

Хуллас, қайтиб бордик. «Нима гап?» Улар ёқилғи тугаб қолганини, иложи бўлса, икки шиша ёқилғи беришимизни сўради. Муҳсин ака илтимосни бажарди. Сўнг ҳалиги киши пул узатди. Аммо Муҳсин ака: «Аллоҳ учун», деб олмади. Улар машиналарига ўтириб, жўнаб кетишгач, биз ҳам қўзғалдик.

Йўлда бир шеригимиз: «Ёқилғи пулини олавермадингизда», деди. Шунда Муҳсин ака айтган гаплар ҳаммамизни жиддий ўйга толдирди. «Эй биродар, –

деди у киши, – мана бу машина, уй-жой, бола-чақа, мол-мулк ҳаммаси қолади. Аллоҳдан умид қиламанки, қиёматда шу менга асқотади». Дарҳақиқат, Муҳсин аканинг мўминлигини ўшанда ҳис қилдим.

«У фақат энг олий Зот бўлмиш Парвардигорининг юзини-розилигини истаб (мол-дунё сарф қилур) ва яқинда (Парвардигори унга ато этадиган мукофот-жаннат неъматларидан) рози бўлур» (Вал-лайл сураси, 20-21 оят).

### Вазифа

Қанча ҳаракат қилмай, сафардан уйимга тун бошланганида кириб келдим. «Йўл азоби – гўр азоби», деганларидек, чарчаганим боис бир пас ётиб дам олиш истаги туғилди. Озгина мизғиб олай, кейин туриб намозимни ўқийман, деган фикр билан ўринга чўзилдим. Бироқ, болаларнинг овози эшитилгач, соғинч ҳисси мени улар томон етаклади.

– Ҳа, тинчликми, нимага йиғлаяпсан? – дедим кичик ўғлим Абдуллоҳга.

У кўз ёшларини артар экан:

– Акамдан уй вазифани бажаришда ёрдам сўраган эдим, «вақтим йўқ» деб ёрдам бермади. Уй вазифамни бажармасдан ухлаб қолсам, эртага ўқитувчимга нима дейман? – деди.

Шунда мен ўғлимнинг берилган вазифани бажармаган ҳолда ўқитувчисига йўлиқиш изтиробни қийнаётгани ва бу унга уйқу бермаётганини англаб, қўлимдан келганча унга дарсини қилишда кўмаклашдим. Абдуллоҳ вазифасини бажариб бўлгач, хотиржам бўлди ва ётиб, уйқуга кетди.

Энди менинг ҳаёлимдан йўл чарчоғи ҳам, дам олиш истаги ҳам кўтарилган, бошқа фикрлар банд қилган эди. «Кейин ўқийман, деб ғафлат босиб ухлаб қолсам, Парвардигорининг вазифасини бажармай ухлаб қолган

бўлмайманми?!» Ўғлим ўқитувчисининг топширигини бажармасдан изтироб чекиб турган бир пайтда, мен бутун оламлар Парвардигорига йўлиқишдан ғафлатда қолганимга ачиндим.

Буларни фикрлар эканман, ўзимдан-ўзим хафа бўлиб кетдим. Сўнгра вазифа сифатида хуфтон намозини адо этаётиб вужудим титраб, кўзларимдан ёш қуйилиб, лабларим пичирлади:

«Эй Парвардигорим, бизларга Ўзингга йўлиқиш изтиробини енгил, бажарилган вазифаларни мақбул, гуноҳларимизни мағфур айлагин!»

### Охират ҳовлиси

– Умримнинг асосий қисми уй-жой қуриш билан ўтди, десам хато қилмаган бўламан, – деди ўзини таништирар экан Умрзоқ ака. – Дастлаб ўзимга чиройли ҳовли қура бошладим. Ҳовли битар-битмас, болалар ҳам катта бўлиб қолишди. Энди уларга ҳовли қуриш учун маблағ йиға бошладим. Шу тарика беш ўғилга данғиллама иморат солдим.

Умрзоқ аканинг сўзларини тинглаган Абдулла ака бир вақтлари отасининг: «Ўғлим, дунёнинг меҳри иссиқ бўлади. Дунё ҳовлисига қаттиқ берилиб кетиб, охират диёрини унутиб қўйма» деган насиҳати эсига тушди ва: – Умрзоқ ака, энди нима билан шуғулланаяпсиз? – деб сўради.

– Невараларимга иморат солишни бошласамми, деб турибман, – деди.

– Инсоннинг фарзанд, невараларининг келажагини ўйлаб иш тутиши кўп яхши иш. Шу билан бирга охират ҳовлингизни ҳам обод қиляпсизми? – деди Абдулла ака кулимсираб.

– Охират ҳовлиси?! Ия, ҳали нариги дунё учун ҳам ҳовли қуришга тўғри келадими? – деди ажабланиб Умрзоқ ака.



– Ҳа албатта, охиратда ҳам ҳовли керак бўлади. Тайин уй-жойи бўлмаган киши бу дунёда қийналгани каби охират ҳовлиси бўлмаган киши ундан-да кўпроқ қийналади, – деди Абдулла ака.

– Охират ҳовлисини куриш чун нима керак? – сўраб қолди Умрзоқ ака.

– Ўзингиз таъкидлаганингиздек, ҳовли куриш учун маблағ тўплаш лозим. Аллоҳ ва охират кунига ишониб, яхши амалларни қилсак, булар охират диёри учун маблағ бўлиб тушади. Аксинча, уларни унутсак, охиратимизни ҳам унутган бўламиз. Ёки савоб ишларни бир қилиб, кейин тўхтатиб қўйсак, охират ҳовлимизнинг маблағини, унинг қурилишини тўхтатиб қўйган бўламиз.

Азизлар, дунё ҳовлиси билан биргаликда охират ҳовлисини ҳам обод қилишга киришайлик!

### **Ширкнинг кароҳияти**

Яқинда уйланган йигит ота-онасининг топшириғига биноан имом домлани уйига чақириб келди. Домла деворлари оқланган, дарвозаси чиройли қилиб бўялган дарвозадан кирар экан, дарвоза тепасида осилган бир боғ исирикқа назари тушди.

Ҳол-аҳвол сўрашганидан кейин йигитнинг онаси гап бошлади:

– Ўғлимни яқинда уйлантирган эдим, ёш келин куёвлар кечалари босинқираб-алаҳсираб чиқишади. Уларнинг айтишига кўра ҳовлида бир нарса безовта қилар эмиш. Жин дейишадими, зиён дейишадими, бунақа нарсаларга дуч келмаганим учун тушуна олмай турибман. Шунга сизни чақиртириб келдим.

Домла куёв бола билан суҳбатлашгач, дарвозага осилган исирикни ташлашга буюрди. Бироз вақт ўтгач йигит онаси домла ўтирган уйга кириб келди ва онаси:

– Домла, булар дарвозамиз тепасига яхши ниятлар билан осиб қўйилган исирикни олиб ташлашмоқчи. Уларга айтинг исирикқа тегишмасин. Агар керак бўлса, копи билан олиб келиб бераман, – деди.

– Янга, исирикни деворга нима ниятда осиб қўйгансиз, билсак бўладими – сўради домла.

– Ўзини одамларнинг қўлидан, ўроғидан сақлай олмаган бир жонсиз нарса қандай қилиб ҳовлингизни турли зарарлардан асраши мумкин? Бу ҳақда ўйлаб кўрмадингизми? Келин-куёвларнинг безовталигини кетказа олмагани сўзимизга далил эмасми? Кимки фойда-зарарни Ҳоликдан эмас махлукдан изласа, улкан гуноҳ содир қилиши билан биргаликда Аллоҳнинг ҳимоясидан маҳрум бўлади. Чунки Парвардигорнинг ҳифзи-ҳимоясидан воз кечиб аллақандай нарсаларга суянган бандаларни асрашни Аллоҳ таоло ўша нарсаларнинг ўзига топшириб қўяди. Бу нарсалар эса, ҳеч қандай фойда бера олмаслиги аниқ. Сизнинг ҳимоядан маҳрум бўлишингиз ҳовлингизда жинларнинг қўним топишига сабаб бўлган бўлиши керак, – деди домла.

– Энди булардан қутулишнинг чорасини айтинг, – деди йигитнинг онаси.

Домла давом этди:

– Улардан қутулишнинг чораси фақат дарвозадан исирикни олиб ташлаш билан бўлмайди, балки исирик турли бало-қазолардан, кўз тегишдан асрайди, деган эътиқодни миядан чиқариб ташлаш керак. Униг ўрнига барча яхшилик ва ёмонликлар Аллоҳ таолодан, фойда-зиён ва ҳимоя ёлғиз Ундан эканига чин дилдан иймон келтирмоқ, эътиқод қилмоқ даркор.

Бир-неча кун ўтиб йигит домланинг уйига борди. Исирикни олиб қўйишганини ва энди уларни ҳеч-нарса безовта қилмаётганини айтди.

Куч ва қудрат ёлғиз Аллоҳдандир!

### Аллоҳ осон қилса...

Тишим қаттиқ оғриб, касалхонага бордим. Дўхтир тишларимни кўриб: «Бир йўла иккитаси касалланибди», деди. «Илтимос, тезроқ олиб ташлаб, мени азобдан қутқаринг», дея ялиндим. Дўхтир: «Даволашга ҳам кеч бўлибди, майли, олиб ташлаймиз», – деди. Дўхтир, иложи бўлса, оғритмай олинг» дедим Ҳаракат қиламиз...» днди дўхтир

Тиш чириган бўлса ҳам, томири маҳкам экан.

Олиш қийин бўлди. Охири синиб, бўлак-бўлак бўлиб чиқди. Аввалги оғриқларим уни суғуриб олаётгандаги оғриқ олдида ҳолва бўлиб қолди, дод, деб юбордим. Сўнгра: «Дўхтир, иккинчисини эртага келиб олдираман», деб амаллаб ташқарига чиқдим. Йўлда кетаётиб, тиш олдираётганда дўхтирдан илтимос қилганим, аммо Аллоҳ таолони ёдга олмаганим эсимга тушди.

Эртасига ишимни осон қилишини сўраб дуо қилдим ва оғриқдан унчалик чўчимай, дўхтирга келдим.

Тиш олдираётган пайтда қалбимда Аллоҳни зикр қилиб турдим. Тиш осонгина суғурилди. Суюнганимдан: «Оғриқ тишни оғритмай чиқарган Аллоҳга шукр», деб юбордим. Дўхтир ҳам менинг гапимни тасдиқлаб: «Аллоҳ осон қилди», деди.

Ҳа Аллоҳ осон қилса, ҳар иш осон, агар қийин қилса, майда-арзимас ишлар ҳам жуда қийин.

### Ота иқрори

Ҳайит куни савоб умидида кўшни маҳаллалик Салим отани кўргани бордим. Бояқиш анчадан буён бетоб ётган эди. Ҳол-аҳволини сўрадим. Салим ота ҳам мени ҳайит билан табриклаб, соғлиғимни сўрадилар. У ёқ-бу ёқдан суҳбатлашдик.

– Эй ўғлим, инсон ҳам унинг соғлиги ҳам, ҳаёти, иши, мансаби ҳам вақтинчалик экан. Болалар ҳам улғайгач, ўзлари билан ўралашиб қолишар экан. Бу касалликка чалинганимга анча бўлди. Кўп вақт шифохоналарда ҳам ётдим. Охирги марта дўхтир текшириб, касалим жиддийлигини уқтирди. Уйга қайтиб келганимдан сўнг бир куни ўғилларимни чақирдим. Уларга дўхтирнинг сўзларини ётиғи билан айтдим:

– Мен сизларни яхши кўраман. Ёшим ўтиб қолди, касал бўлавериб, сизларни ҳам қийнаб қўйдим. Дўхтир марказга, катта мутахассис дўхтирларга учрашишимни айтди. У ерга бориш, даволаниш учун анча пул керак бўларкан, – дедим.

Катта ўғлим ҳозир вақти зиклигини, имконият камроқ эканини айтиб, узр сўради. Бошқалари ҳам турли хил сабабларни санай бошлашди. Болаларимнинг сўзларидан, албатта, кўнглим оғринди. Шунда аёлим маслаҳат солди:

«Отаси, хафа бўлманг, болаларнинг ҳаммасидаям бола-чақа, рўзғор бор. Сизни беш-тўрт сўм пул топиб, даволатамиз ҳам... Лекин ёшимиз анчага бориб қолди. Менимча, уларни икки марта харажатга туширганимиз қолади. Олдин дўхтирга, кейин эса... Ўраб чирмаб кўмишса ҳам, шуларга раҳмат...»

Салим ота анчайин сиқилиб ўтирга экан, дардларини айтиб енгиллагандай бўлди. Фақат бир изтироб қалбимни ўртар эди:

«Биз болаларимизни бир зарардан қочиб, фойдага интилишга яхши ўргатганмиз. Аммо савоб учун гоҳида зарар кўришга ҳам тайёр туришни, гуноҳдан сақланиш учун фойдадан кечишни ҳам ўргатганимизда эди...»

### Фойданилган манба ва адабиётлар

1. Қуръони карим маънолари таржимаси. Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. Т. ТИУ нашриёти, «Шарқ». 2001.
2. Каримов. И. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Тошкент. Шарқ нашриёти. 1998.
3. Каримов. И. А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. Т. «Ўзбекистон» нашриёти. 1998.
4. И.Каримов. Юксак маънавият-енгилмас куч. Т. Маънавият. 2009.
5. И. Каримов. Ватан саждагоҳ каби мукаддасдир. Асарлар тўплами. Т.3. –Т. «Ўзбекистон». 1996.
6. Каримов. И. А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т. «Ўзбекистон», 1997.
7. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ал-жомий ас-саҳиҳ. 4-том. Қомуслар бош таҳририяти. Т.: 1992.
8. Абдулғафур Раззоқ Бухорий. Тариқатга йўлланма. Мовароуннаҳр нашриёти. Т. 2003
9. Айний. С. Куллиёт. Душанбе. 1966.
10. Акбаров М. Насабномалар-адабий-тарихий манба. Қарши. Қарши давлат университети нашриёти. 2011.
11. Акбаров. Р. Шажара –миллий қадрият. « Имом ал-Бухорий сабоқлари» журнали 2013 йил 1-сон.
12. Акбаров Р. Патрон тарихи. Қарши. Насаф нашриёти. 2013.
13. Аттотр. Ф. Тазкиратул-авлиё. Т. Миллий энциклопедияси нашриёти. 1997.
14. Бобур. З. М. Бобурнома. Т. Юлдузча нашриёти. 1990.
15. Бобомурод. А. Комил инсонлар йўлидан. Мовароуннаҳр нашриёти. Т. 2003.
16. Восифий. Зайниддин.Бадоеъул-вақоеъ. Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1979
17. Ўзидий. Ш.А. Зафарнома. Т. «Шарқ» нашриёти. 1997.
18. Каттаев. К. Маҳдуми Аъзам ва Даҳбед. Самарқанд. Сўғдиёна нашриёти.1994.
19. Комилов. Н. Шайх Нажмиддин Кубро. «Ёзувчи», Т.: 1995.
20. Муҳаммадиева. Ш. Эзгулик элчиси. Қарши. Насаф нашриёти.2004.
21. Навоий. А. Навосимул – муҳаббат. Асарлар. 15 жилд. Т. Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1968.
22. Навоий. А. Тарихи анбиё ва ҳукамо. Асарлар. 15 жилд. Т. Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1968.
23. Нақшбандий тарикатига оид кўлёмалар фихристи. «Мовароуннаҳр». Т. 1993.
24. Равшанов. П. Қашқадарё тарихи. Т. Фан нашриёти. 1995.
25. Равшанов. П. Ўрақов. Р. Аждодларимиз қадри. «Шарқ» нашриёти.1999.
26. Самад. А. Мавлудуннабий. Т. Мовароуннаҳр нашриёти. 2004.
27. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тасаввуф ҳақида тасаввур. «Мовароуннаҳр», Т.: 2004.
28. Убайдулла Уватов. Ўзбекистон – буюк алломалар юрти. Т. Маънавият. 2010.
29. Яссавий. А. Ҳикматлар. Т. «Ғафур Ғулом» нашриёти. 1991. Б: 205.
30. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т. Миллий энциклопедия нашриёти. 2008.
31. Ҳожи Аҳмаджон Бобомурод. Комил инсонлар йўлидан. «Мовароуннаҳр». Т.: 2003.

## МУНДАРИЖА:

Сўз боши .....	3
Насл насаб акс этган ойна .....	4
Етти туғ ота шажарасининг асли Етти туғ ота шажараси (Шажаранинг ўзбек тилидаги таржимаси).....	7
Муҳаммад (с.а.в.)нинг аждодлари баёнида .....	9
Амирул мўминин Али (р.а.)нинг авлодлари баёнида.....	9
Амирул мўминийн имом Ҳасан (р.а.) авлодлари баёни.....	10
Амирул мўминийн Хусайн (р.а.) авлодлари баёни.....	10
Имоми Зайнул-Обидийннинг авлодлари баёни.....	10
Имом Муҳаммад Боқир (р.а.) авлодлари баёни.....	10
Имоми Муса Козим (р.а.)нинг авлодлари баёни ...	10
Имом Али Мусо Ризо авлодлари баёни .....	11
Имом Муҳаммад Тақий авлодлари баёни .....	11
Имом Нақий авлодлари баёнида .....	11
Ҳасан Аскарый авлодлари баёни.....	11
Султон Муҳаммад Тақий насаби баёнида.....	11
Зайнул-мастурот Обида Бегим Мир Султон Яхё оналарининг насаблари баёнида .....	16
Султон Маҳмуд Содик авлодлари баёнида .....	16
Жаноби Мир Саййид Фатхуллоҳ авлодлари баёни.....	18
Кутблар кутби ҳазрати Саййид Ато насабнома-лари.....	19
Мир Саййид Исҳоқ авлодлари баёнида .....	20
Замона кутби Саййидлар Саййиди Мир Саййид Фатхуллоҳ насабномаси .....	20

Мир Саййид Мургазо авлодлари баёнида.....	22
Саййид Мир бузрук авлодлари баёнида.....	22
Етти туғ ота шажараси .....	23
Етти туғ ота тариқат аҳлининг қайси табақасидан?.....	25
Етти туғ ота силсиласи қандай?.....	26
Етти туғ ота макбарасидаги қабрлар (Шажара асосида) .....	53
Хулоса.....	57
Илова .....	58
Яхшилик мукофоти .....	58
Устоз ибрати.....	59
Муроса.....	60
Икки шиша ёқилғи .....	60
Вазифа .....	61
Охират ҳовлиси .....	62
Ширкнинг кароҳияти .....	63
Аллоҳ осон қилса.....	65
Бир-бирига меҳрибонлар .....	66
Ота иқрори .....	66
Фойданилган манба ва адабиётлар .....	68

**Рухиддин Акбаров  
Неъматулло Шамсиддинов**

# **ЕТТИ ТУҒ ОТА шажараси**

«Тошкент ислом университети»  
нашриёт-матбаа бирлашмаси  
Тошкент – 2015

*Муҳаррир:* **Бобомурод ЭРАЛИЕВ**  
*Мусаҳҳиҳ:* **Умида ИНСОНБОЕВА**  
*Муқова дизайнери:* **Комрон АЛИШЕРЗОДА**  
*Саҳифаловчи:* **Файзулло СОБИРОВ**

Нашриётнинг гувоҳнома рақами  
АГ № 224. 2012 йил 16 ноябрь.  
Босишга 20\_\_ йил \_\_\_\_\_ да берилди.  
Бичими 84×108 1/32 Шартли б.т. \_\_\_\_\_  
Адади \_\_\_ нусха. Буюртма № \_\_\_\_\_  
Баҳоси шартнома асосида.

«Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа  
бирлашмаси босмаҳонасида чоп этилди.  
100011. Тошкент ш. А.Қодирий, 11.